



2013 йил 5 сентябрь,
пайшанба, 36 (512)-сон

XASR



IJTIMOIY-
SIYOSIY
GAZETA

Газета 2004 йил
1 январдан чиқа бошлаган.
e-mail: axborotXiasr@yahoo.com,
web sayt: www.21asr.uz

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI



ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

Ватанимизнинг бош майдони

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ФАРМОНИГА БИНОАН БУНДАН 22 ЙИЛ МУҚАДДАМ — 1991 ЙИЛ 5 СЕНТЯБРДА
МАМЛАКАТИМИЗ ПОЙТАХТИНИНГ БОШ МАЙДОНИГА МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИ НОМИ БЕРИЛГАН

Истиқлолдан
— истиқболга

МАХАЛЛАДА ЁШЛАР МАРКАЗИ

Бухоро вилоятининг Гиждувон тумани «Дегрезон» маҳалла фуқаролар йиғинида Ёшлар маркази биноси фойдаланишга топширилди. Марказ замонавий жиҳозланган. Интернет клуб, тивувчилик цехи, «Дизайн» сервис хизмати дўкони, турли маданий-маърифий тадбирларга мўлжалланган 500 ўринли зал — ёшлар ихтиёрида. Ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ва фойдали меҳнатга жалб этишга хизмат қиладиган марказда касб-ҳунар коллежини битирган 32 нафар ўғил-қиз иш билан таъминланди. — Замонавий тикув машиналари билан жиҳозланган цехда буюртма асосида кийим-кечак, элита пардалар тикамиз, — дейди тикувчи Фарид Умарова. — Яқин кунларда цехда яна 6 тикув машинаси ўрнатилади. Шунда «устоз-шогирд» аънаеси асосида ишлайдиган ҳамкасбларим сони икки баробар кўпайиб, 24 нафарга етади. Ёшлар марказининг очилиш маросимида Бухоро вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи М.Эсонов сўзга чиқди.

ПОЛИКЛИНИКАНИНГ ЯНГИ БИНОСИ

Сирдарё вилояти Бойвут туман марказий поликлиникасининг янги биноси фойдаланишга топширилди. — Барча замонавий шaroитга эга поликлиника биноси туман аҳолиси учун ажойиб байрам тухфаси бўлди, — дейди туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Абдумавлон Давлатов. — Бир вақтнинг ўзида 150 кишига хизмат кўрсатиш имконияти мавжуд муассасада 25 нафар малакали шифокор ва ҳамшира фаолият юритмоқда. «Саломатлик-2» дастури доирасида ўрнатилган флюорография, УЗИ каби замонавий тиббий ускуналар беморларга аниқ ташxis қўйиш ва касалликларни ўз вақтида доволашда муҳим аҳамият касб этаётир. У.А.

Она юртимиз — мустақил Ўзбекистон ота-боболаримизнинг муборак хоклари ётган табаррук замин, ҳамиша севиб-ардоқлаб, тупроғини кўзимизга тўтиб қилиб яшайдиган муқаддас саждагоҳимиздир. Унинг ҳар қаричи биз учун азиз ва муқаррам. Айниқса, азим пойтахтимиздаги Мустақиллик майдони эл-юртимиз ҳаётида чуқур мазмун-моҳият, улкан аҳамият касб этади. Чунки мазкур улугвор маскан аждодларимиз асрлар давомида орзиқиб кутган, бизга, бугунги бахтиёр авлодларга насиб этган энг улуг, энг азиз неъмат бўлмиш мустақиллигимиз рамзидир. Ушбу файзли гўша озод ва обод Ватанимиз, ўз тақдирини қўлига олиб, келажаги буюк давлат барпо этиш йўлида юксак марраларни забт этаётган азму шижоатли халқимиз қалбидоғи эзу ва бегубор орзулар ифодасидир. Бу муаззам майдон юртдошларимиз, биринчи навбатда, навқирон авлодларимизга мамлакатимиз мустақиллиги қандай буюк ва бебаҳо неъмат, уни кўз қорачигидек асраш, бугунги тинч ва фаровон ҳаётни ҳимоя қилиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз эканини англаб турадиган муқаддас даргоҳдир. Истиқлол йилларида Президентимиз Ислам Каримовнинг гоёси, ташаббуси ва рақиамоллигида Мустақиллик майдонида улкан қурилиш ва ободончилик

ишлари амалга оширилиб, у яхлит мейморий ансамбль, ноёб мажмуа кўринишини олди. Бир пайтлар бетон билан қопланган майдон бугунги кунда ҳамиша яшнаб, барқ уриб турадиган кўкаламзорлари, етти иқлимдан келтирилган анвоий гулу буталари, манзарали дарахлари билан кўзни қувонтиради. Кундузлари қуёш нурида, тунлари эса нурафшон чироқлар шуъласида жилоланиб, мавж уриб турадиган фавворалар майдон ҳавосини мўътадил сақлайди. Бу ерга келган ҳар бир инсон ажиб бир файзу тароватни, гўзаллик ва улугворликни юракдан ҳис этади. Мустақиллик майдонида муаззам Эзгулик аркаси орқали кириб борилди. Арка тепасидаги парвозга шайланаётган турналар халқимизнинг ўз буюк орзу-мақсадларини рўёбга чиқариш йўлидаги юксак интилишлари, қатъияти ва иродаси, оқ лайлақлар эса тинч ва осуда ҳаётимиз, фаровонлик ва қут-барака тимсолларидир. Арканинг баланд ва мустаҳкам устунлари мамлакатимиз ривож учун пойдевор бўлаётган бақувват таянч асослар ифодасидир. Бу остонадан ўтадиган ҳар бир инсон муқаддас даргоҳга қадам қўяётганини ҳис қилади.

2 >>



У.А. ОЛИН СУРАТ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига

Лойиҳалар қўллаб-қувватланмоқда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА ОЛИЙ МАЖЛИС ҲУЗУРИДАГИ НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ БОШҚА ИНСТИТУТЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЖАМОАТ ФОНДИ МАБЛАҒЛАРИНИ БОШҚАРИШ БЎЙИЧА ПАРЛАМЕНТ КОМИССИЯСИНИНГ ЙИГИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ

Унда мазкур комиссия аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Мамлакатни жадал ривожлантиришнинг бугунги шароитида ННТлар Президентимиз Ислам Каримовнинг қўллаб-қувватлаши натижасида демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинлиги, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим омил бўлмоқда. Фуқаро-

ларнинг ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ва сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратиб, жамиятда манфаатлар тенглигини таъминлашга ёрдам бераётир. Мазкур жараёнда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамда унинг маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси муҳим ўрин тутмоқда. Улар

ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини такомиллаштиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, ижтимоий аҳамиятга эга дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш учун маблағ ажратмоқда. 2008-2013 йилларда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари давлат бюджетидан давлат субсидиялари, ижтимоий буюртмалари ва грантлари шаклида 30 миллиард сўм миқдорда молиявий ёрдам олди.

2 >>

Она юрт манфаати ҳар нарсадан устун

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ҚАДР-ҚИММАТИ, ҲАЁТБАХШ ҲАРОРАТИНИ ҲИС ЭТМОҚ, ҲАМИША АНГЛАБ ВА ЭЪЗОЗЛАБ ЯШАМОҚ ОЛИЙ САОДАТДИР

Албатта, 22 йил — тарихан қисқа мулдат. Шунга қарамай, истиқлол йиллари ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда олиб борилган изчил ислохотлар натижасида мислсиз ютуқларни қўлга киритдик ва бу жараён муттаassel давом этаётир. О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг мақсадли вазифалари мавзусидаги давра суҳбатида ҳам байрамона рух, аини пайтда юксак

корлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чораларни тадбирлар тўғрисидаги қароридан келиб чиқиб, тадбиркорлар ва кичик бизнес субъектларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда О'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши Ижроия қўмитасининг мақсадли вазифалари мавзусидаги давра суҳбатида ҳам байрамона рух, аини пайтда юксак

ишчанлик кайфияти намойён бўлди. О'zLiDeP фракцияси аъзолари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашидаги депутатлик гуруҳи аъзолари, партия фаоллари — тадбиркорлар, фермерлар ҳамда партия тарафдорлари, маҳаллалар вакиллари иштирок этган тадбирда мамлакатимизда қўлга киритилган улкан ютуқлар халқаро майдонда ҳам эътироф этилаёт-

гани, юртимиз салоҳияти, иқтисодий ва маънавий куч-қудрати тобора ортиб, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси кўркاملаниб бораётгани ва ўз навбатида, партия эришилган муваффақиятларнинг мустаҳкамланиши, шу билан бирга, келгусидаги янги марралар эгалланиши учун бор куч-ғайратини аямаслиги қайд этилди.

2 >>

Ифтихор

Буюк давлат келажагимиз

ЭРТАНГИ КУНИ, ФАРЗАНДЛАРИНИНГ ИҚБОЛИ ВА ИСТИҚБОЛИДАН КўНГЛИ ТўҚ ЭЛ БУГУН ЎЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 22 ЙИЛЛИГИНИ ТАНТАНА ҚИЛАЁТИР

Ҳўш, янги авлод вакиллари буюк неъмат — мустақиллик моҳиятини қандай тушунапти? Истиқлол берган имкониятлардан улар қай даражада фойдаланишяпти? Илм уммонининг марваридларини териб, салоҳият чўққисини кўзлаётган авлод ўз зиммасидаги улкан масъулиятни нечоғли англаб етапти? Улуғ айём арафасида олий ўқув юрти талабаси деган номга сазовор бўлган бир гуруҳ ёшлар билан учрашиб, ана шу саволларга жавоб олишга ҳаракат қилдик.

3 >>



ССП партия лойиҳаларини ҳам қўллаб-қувватламоқда

4 ЖАРАЁН



Ҳақиқий бойлик — инсондир

5 ҚУЙИ БЎГИНЛАРДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 3 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисобларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хоржий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйилиги қийматини белгилади.*

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмайди.

1 Австралия доллари	▼ 1909.29
1 Англия фунт стерлинги	▲ 3313.42
1 Дания кронаси	▲ 377.21
1 БАА дирҳами	▲ 579.83

1 АҚШ доллари	▲ 2129.72
1 Миср фунти	▲ 305.74
1 Исландия кронаси	▲ 17.77
1 Канада доллари	▼ 2024.64

1 Ҳингй юани	▲ 348.22
1 Малайзия рингити	▲ 648.71
1 Поляша злотийси	▼ 660.17
1 СДР	▲ 3227.12

1 Туркия лираси	▼ 1047.21
1 Швейцария франки	▼ 2284.86
1 ЕВРО	▲ 2829.25
10 Жанубий Корея вони	▲ 19.31

10 Япония иенаси	▼ 215.93
1 Россия рубли	▼ 64.06
1 Украина гривнаси	▲ 266.45

Ватанимизнинг бош майдони

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Президентимиз Ислам Каримов 2005 йил 28 декабрда Мустақиллик майдонида янги барпо этилган монумент пойига илк бор гулчамбар қўйди. Майдонда мустақилликнинг дастлабки йилда қад ростлаган Мустақиллик монументи олдида фарзандли бағрига босиб, унга ишонч билан термулиб турган Бахтиёр она ҳайкали бунёд этилди. Бундан мақсад — халқимизнинг орзу-интилишларини теран ифода этиш, ёшларимизнинг маънавий оламини эзгу гоёлар асосида шакллантириш ва камол топтиришдан иборатдир.

Юртбошимиз таклифига биноан мазкур мажмуага Мустақиллик ва эзгулик монументи, деб ном берилди. Монумент ўз меъморий ечимини, гоёвий-бадний мазмунини билан Ўзбекистон танлаган йўли — Мустақиллик йўлининг тасвирчан ифодасига, асрий қадриятларимизнинг яққол намоёнига айланган.

Дарҳақиқат, мустақиллик ва эзгулик ўзаро уйғун тушунчалардир. Ер қурраси тасвирида алоҳида ажралиб турган мамлакатимиз харитаси бу дунёда Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятда ўз муносиб ўрнига, юксак обрў-эътиборга эга эканини билдиради.

Бахтиёр она — она Ватан рамзи. Бу буюк тушунчанинг айнан она сиймоси орқали ифода этилиши, мамлакатимиз бош майдонида Бахтиёр она ҳайкалининг барпо этилиши юртимизда онага, аёл зотига ҳурмат-эҳтиром нақард юксак даражада кўтарилганидан яққол далолатдир. Бугунги кунда умумхалқ

байрамлари ва тантанали маросимлар арафасида, мамлакатимиз спортчилари нуфузли халқаро мусобақалар олдида ёки юртимизда йирик халқаро кўрик-танлов ва мусобақаларни ўтказиш арафасида ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйиши қутлуғ анъанага айланган. Ўзбекистонга ташриф буюрадиган хорижий мамлакатларнинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари, нуфузли делегациялар ва бошқа юксак мартабали меҳмонлар ушбу обидани келтиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, Вазирлар Маҳкамаси бинолари, Хотира хиёбони, «Туркистон» саройи, маҳобатли маъмурий бино, Маърифат маркази мажмуаси, «Пойтахт» бизнес маркази, Тасвирий сапхат галереяси, Ёшлар ижод саройи каби замонавий комплекслар Мустақиллик майдонининг умумий манзарасини тўлдириб, унинг ҳуснига ҳусн қўшиб турибди.

Мустақиллик майдонидан зиёратчилар қадами узилмайди. Улар орасида мактаб ўқувчилари, талабалар, нуруний отахону онахонлар, хорижлик сайёҳлар, турли касбу қор ва соҳадаги одамлари учратиш мумкин.

— Мустақиллик майдонининг таровати, бу ердаги иншоотларнинг улғуворлиги кўнглимга фахр ва чексиз ҳаяжон бахш этди, — дейди наманганлик фахрий ўқитувчи, II даражали «Соғлом авлод учун» ордени соҳибаси



Муқаддам Манбагова. — Бундай обод ва кўркам масканлар ёшларимизни истиқболимизнинг аҳамиятини янада теран англашга, уларга кўрсатилаётган эътибор ва гамхўрликка жавобан Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга қодир, қомил фарзандлар бўлиб етишишга ундайди.

Орадан йиллар ўтади, неча-неча авлодлар алмашади, лекин миллий гуруримиз тимсоли бўлган Мустақил-

лик майдони ўзининг бетакрор қиёфаси, ҳаётбахш фалсафаси билан халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, ёруғ келажак сари катта умид ва ишонч билан интилиши ҳамда унинг қандай буюк ишларга қодир эканининг амалий ифодаси сифатида барчамизни бағрига чорлаб, шу буюк Ватанга садоқат билан хизмат қилишга даъват этaveraди.



300 НАФАРГА ЯҚИН ОПА-СИНГИЛИМИЗНИНГ 2 МИЛЛАРД СЎМЛИКДАН ЗИЁД БИЗНЕС-РЕЖАЛАРИ МОЛИЯЛАШТИРИЛДИ.

Зиммамизда улкан масъулият бор

ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ИСЛОМ КАРИМОВ МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 22 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИГИДА: «БИЗ БУГУН ЭРКИН ФИКРЛАЙДИГАН, ОНЛИ ЯШАЙДИГАН, СИЁСИЙ, ҲУҚУҚИЙ ВА МАЪНАВИЙ САВИЯСИ ТОБОРА ҲАМ ЯҚИНЛАШАётгани, ЎЗ КЕЛАЖАГИНИ, КИМ УЧУН ВА НИМА УЧУН МЕҲНАТ ҚИЛАётганини ЎЗИГА АНИҚ ТАСАВВУР ЭТАётган ХАЛҚМИЗ



Мухлиса АҚРАМОВА, О'zLiDeP Сийсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари:

Биз бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш, дунёдаги тараққий топган мамлакатлар қаторига кўтарилишдек олий мақсадни ўз олдимизга қўйдик ва бу йўлдан бизни ҳеч қандай куч қайтара олмайди», дея яна бир бор Ўзбекистон олдида қўйилган улкан мақсадларни эътироф этдилар.

Аҳолини юксак марраларга даъват этувчи, ҳар биримизда ифтихор туйғуларини уйғотувчи бундай сўзлар барча ҳамюртларимиз, хусусан, аёлларимиз, оналаримиз, опа-сингилларимиз кучига-куч, гайратига-гайрат қўшиди, айни вақтда улар зиммамизда улкан масъулият ҳам юклатди. Бинобарин, хотин-қизларимиз мустақил мамлакат равангига янада салмоқлироқ улуш қўшишлари, жамият янгилиши жараёнида янгила фаолроқ қатнашишлари лозим. Зеро бугунги кунда фан-таълим, тиббиёт, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, сапхат ва маданият соҳаси, давлат ило-ралари тизими ва сиёсат соҳасида муносиб ютуқларга

эришиб, юртимиз тараққиётига улкан ҳисса қўшаётганларнинг 48 фоизини хотин-қизлар ташкил этмоқда. Бу жуда катта кўрсаткич, албатта. Жамиятимизда етакчи кучга айланган фермер хўжалиқларининг 2 мингга яқинига ҳам аёллар раҳбарлик қилмоқдалар. Опа-сингилларимизнинг «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони, давлатимизнинг юксак орден ва медаллари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти, «Ниҳол» билан тақдирланаётганлари ҳам том маънода уларга кўрсатилаётган юксак эътибор ифодасидир.

Маълумки, «Обод турмуш йили» Давлат дастурида она институтини мустақиллаштиришнинг 2 миллиард сўмликдан зиёд бизнес-режалари тижорат банклари ва имкониятларини рўйга чиқариш, улар учун янги иш ўринлари ташкил этиш, оилавий бизнесни ривожлантириш орқали опа-сингилларимизни тadbirkorликка кенг жалб этиш ҳам устувор вазифалар қаторида белгилаб олинган. Зеро, бу аёлга эҳти-ром ва эъзознинг замонавий

талқини, қолаверса, инсон, жамият, шахс ва оила ўрғасидаги ўзаро муносабатларнинг табиий равишидаги уйғунлиги ифодаси ҳамдир.

«Обод турмуш йили»да О'zLiDeP «Аёллар қаноти» томонидан илгари сурилаётган ижтимоий лойиҳалар ҳам хотин-қизларда тadbirkorлик кўникмаларини шакллантириш орқали уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, йирик давлат дастурларининг бевосита иштирокчиларига айланишларига ялғизлик қилаётган. Агар 2012 йили сийлаштирилган хотин-қизлар сони 66 998 нафарни ташкил этган бўлса, жорий йилда либерал-демократик гоёларни қўллаб-қувватлаётган опа-сингилларимиз сони 67 627 нафардан ошди. Улар томонидан эса жойларда минглаб янги иш ўринлари ташкил этилмоқда. Ўтган олти ойдагина «Оилавий тadbirkorликдан — мустақам оилага» лойиҳаси доирасида 300 нафарга яқин опа-сингилликнинг 2 миллиард сўмликдан зиёд бизнес-режалари тижорат банклари томонидан молиялаштирилди. Бу ҳам бўлса, жамиятимизда аёлларнинг обрў-эътибори, нуфузи юксалаётганидан далолатдир. О'zLiDeP эса бундан бун ҳам хотин-қизлар ва ёшларимиз қалбига она Ватанга садоқат руҳини тарбиялашда фаол иштирок этaveraди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига

Лойиҳалар қўллаб-қувватланмоқда

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Меҳрибон МАМЕТОВА, ЎЗА муҳбири

Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси раиси А.Саидовнинг қайд этишича, ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг жорий йил 10 июндан 15 июлгача бўлиб ўтган иккита танловда давлат грантларини олиш учун тақдим этилган лойиҳаларини кўриб чиқиш муҳим масалалардан бири бўлди.

Ийгилишда экологик хавфсизликни таъминлаш, агроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ноёб турларини асраш, экологик маданиятни ошириш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, бу борада давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ижтимоий шерикликни мустақамлаш, жамоатчилик экологик назоратини таъминлаш борасида ННТларни қўллаб-қувватлаш Парламент комиссияси ҳамда жамоат фонди фаолиятининг устувор йўналишларидан экани таъкидланди. Шу боис экология ва соғлиқни сақлаш йўналишида ўз сафида қарийб 250 ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини бирлаштирган Ўзбекистон Эко-

логик ҳаракатига давлатимиз томонидан катта ёрдам кўрсатишмоқда.

Тадбирда давлат грантинини олиш учун «Шаҳарлар, маҳаллалар ва кўчаларни ободонлаштиришни яхшилаш, агроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини мустақамлаш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш масалаларини ҳал этишда аҳоли ҳамда ННТлар фаолиятини ошириш» танловига яқинлари бўйича 48 лойиҳани амалга оширишга 690 миллион сўм ажратишга қарор қилинди. Мазкур лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши ҳудудларда аҳолининг тиббий ва экологик маданиятини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган маънавий-матрифий тadbirkorлар ташкил этиш, табиатни муҳофаза қилиш ҳамда мамлакатимизни барқарор ривожлантириш масалаларида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, тadbirkorлик субъектлари ва оммавий ахборот воситалари ўртасида ижтимоий шерикликни мустақамлашга ёрдам беради.

Парламент комиссияси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, Ёшларни иш билан таъминлашга қўмаклашувчи марказ ва бошқа ёшлар ташкилотлари фаолиятига алоҳида

эътибор қаратди. Бу борада касб-хунар коллежларини битирган йигит-қизларни ишга жойлаштиришга қаратилган қатор лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилаётгани қайд этилди. Бундан ташқари, 2012 йилдан буён ёшларнинг ҳуқуқий маданияти ва саводхонлигини ошириш, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги билимларини такомиллаштириш бўйича ННТ ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ўттиздан зиёд ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Шунингдек, ННТ ва фуқаролик жамияти институтларининг ёш авлодини қўллаб-қувватлаш, уларни тарбиялаш ва баркамол ривожлантириш учун зарур шароитлар яратиш бўйича фаолияти кўламни янада кенгайтириш лозимлиги таъкидланди. Парламент комиссияси ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари томонидан тегишли танловда иштирок этиш учун тақдим этилган 120 дан ортиқ лойиҳани кўриб чиқди. Урганишлар натижасида аҳамиятли деб топилган 43 лойиҳа танлаб олинди ва уларни амалга ошириш учун 600 миллион сўм ажратилди.

Яна шунини таъкидлаш лозимки, Парламент комиссияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 январдаги БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларини Ўзбекистонда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-

тадбирларга оид қароридан белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирокни рағбатлантириш масаласини атрофлича ўрганиб чиқди. Зеро, бу борада Ўзбекистон тажрибасини ўргатиш ҳамда аҳолининг ижтимоий рағбатлантиришга қаратилган 359 лойиҳа амалга оширилаётган. Ушбу лойиҳаларнинг барчаси Парламент комиссияси томонидан қўллаб-қувватланди ва 2012-2013 йилларда бунинг учун 5 миллиард сўм миқдорда маблағ ажратилди. Ийгилишда яна 101 лойиҳани Мингйиллик ривожланиш мақсадларини 1 миллиард 290 миллион сўм ажратиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Бекзод ИСРОИЛОВ, «XXI asr»

О'zLiDeP Сийсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси М.Тешабоев истиқбол йилларида Ўзбекистонда барқарор иқтисодиёт шаклланишига ва бунда хусусий мулк устувор ўрин эгаллаганига, айни вақтда кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик иқтисодиётида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлибгина қолмай, балки аҳоли даромади ва турмуш фаровонлиги ўсишининг асосий манбаига айланганини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, учрашувда ишбилармонлар, фермерлар, ўрта синфга мансуб мулкдорлар ҳамда партия фаоллари илҳом берди. Уларнинг асосий аҳамияти — иқтисодиётимиз таянчига айлангани билан чамбарчас боғлиқдир.

Шу ўринда барча ҳудудий кенгашлар қошида таниқилган тарғибот гуруҳлари томонидан «Мустақиллик — инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг асосий омил»и, «Ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида», «Стратегик дастурларнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти ҳамда амалий натижалари» сингари мавзуларда ташкил этилган тadbirkorлик 12 мингдан зиёд электрот вакилла-

ри, аёллар ва ёшлар иштирок этганини таъкидлаш мумкин.

Мажлиса Президентимизнинг «Кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори маҳаллий ишлаб чиқарувчилар мажбуриятини ташқи бозорларга чиқаришда муҳим омил бўлиши, унинг ижроси таъминлашнинг назорат қилиш депутатлар зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклатиш хусусида сўз юритилди.

Маълумки, бугун саноат маҳсулотларининг 90 фоизи нодавлат сектори томонидан ишлаб чиқарилаётган. Унинг умумий экспортдаги улуши йилдан-йилга ортиб бораётгани ҳамда олинса, қарорнинг нақадар долзарб ва ҳаётийлиги янада ойдинлашади. Зеро, охириги йиллар мобайнида 2000 йилга нисбатан икки баробар кўп кичик бизнес субъектлари ўз маҳсулотларини экспорт қилмоқдалар. Эътиборлики, илгари ишбилармонларимиз асосан кўшни давлатлар билан савдо-сотик ишларини юритган бўлсалар, бугун ҳамкорлик доираси кенгайиб, улар ишлаб чиқариётган тadbirkorлик маҳсулотлар Шимол-Америка, Осиё, Европа ва Африка давлатларига ҳам етиб бораётган.

— Ҳозирги пайтда маҳсулотларнинг асосий қисми вилоятларда тайёрланаётган бўлса-да, экспортнинг қарийб 50 фоизи пойтахтимизга тўғри келмоқда, — деди ўз сўзида Тошкент шаҳар кенгаши раисининг биринчи ўринбосари М.Мирсаидов. — Шу маънода ҳам қарорда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш Тошкент шаҳар кенгаши

Она юрт манфаати ҳар нарсадан устун

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Зиммамизда улкан масъулият бор

М.Мирсаидов, шунингдек, Тошкент шаҳар кенгаши томонидан Президент қарори моҳиятини электрот вакиллари — тadbirkorларга ставка-тадбирлар қўйишга кенг миқдоридаги ишлар, махсус ўқув-семинарлар ва амалий тadbirkorлар ташкил этиш борасида аниқ вазифалар белгилаб олинганини таъкидлаб ўтди.

Сўзга чиққанлардан «Экспо Колдер Принтестил» қўшма корхонаси бош директори А.Жўрабоев, О'zLiDeP Чилонзор тумани кенгаши раиси ўринбосари Д.Миррахимова айрим тadbirkorларнинг экспорт жараёнида бўйича билим ва қўникмаларини камлиги, бу соҳа бўйича давлатимиз томонидан яратилган имкониятлар билан яхши таниш эмасликлари, шу боис депутатлар, бошланғич партия ташкилотлари ва фаолларнинг имкониятларидан тўла фойдаланган ҳолда уларга яқиндан қўмак бериш зарурлиги ҳақида ҳам мулоҳазалар билдирилди.

Анжуман қатнашчилари Учтепа туманидаги Абдулла Қодирий номли маҳаллада, «Димакс савдо-саноат кўргазма» бизнес-маркази ва «Жайрон-бизнес» оилавий корхонасида бўлиб, маҳалла фаоллари, хусусий тadbirkorлар, аёллар, ёшлар билан жонли учрашувлар ҳам ўтказилди.

Тadbirkor яқинда мустақилликнинг 22 йиллиги муносабати билан ҳамда партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларини тарғиб қилишдаги фаол иштироки, самарали меҳнатлари учун бир гуруҳ фаоллар фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар.

Таълим тизимидаги ислохотлар ёшларга қанот бўлмоқда

САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ УЧУН МАТБУОТ АНЖУМАНИ ЎТКАЗИЛДИ



Муҳаббат РАВШАНОВА, «XXI asr»

— 2004-2009 йилларда жами 927 та таълим муассасасида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди. — деди тадбирда бошқарма бошлиги Азамат Умаров. — Ўтган йилнинг ўзигагина 48 та мактаб капитал реконструкция қилиниб, 15 тасида янги спорт заллари қурилди. «Обод турмуш йили»да эса 64 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан эса 3 та спорт мажмуаси, 5 та мусиқа ва санъат мактаби, 7 та умумтаълим мактабидаги спорт заллари таъмирланди.

Таълимга ва болалар спортига бундай юксак эътибор шубҳасиз ўз самарасини бераётган. Хусусан, яқинда пойтахтда ўтган акробатика бўйича республика чемпионатида 6-сон гимнастикага ихтисослаштирилган Олимпия захиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ўқувчиси Суннатилло Маҳсудов ва Абдулло Наимов муваффақиятли иштирок этган бўлсалар, Қаҳра Шермамедова гимнастика бўйича Ўзбекистон чемпионатида биринчи ўринга сазовор бўлди.

Маълумки, Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш

чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда 2013 йил 12 февралдаги «Умумтаълим мактабларида чет тилларни ўқитиш тизимини такомиллаштириш ишларининг ташкил этилганини танқидий ўрганиш бўйича республика ва ҳудудий комиссиялар бошлиги Азамат Умаров, — Ўтган йилнинг ўзигагина 48 та мактаб капитал реконструкция қилиниб, 15 тасида янги спорт заллари қурилди. «Обод турмуш йили»да эса 64 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан эса 3 та спорт мажмуаси, 5 та мусиқа ва санъат мактаби, 7 та умумтаълим мактабидаги спорт заллари таъмирланди. Таълимга ва болалар спортига бундай юксак эътибор шубҳасиз ўз самарасини бераётган. Хусусан, яқинда пойтахтда ўтган акробатика бўйича республика чемпионатида 6-сон гимнастикага ихтисослаштирилган Олимпия захиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ўқувчиси Суннатилло Маҳсудов ва Абдулло Наимов муваффақиятли иштирок этган бўлсалар, Қаҳра Шермамедова гимнастика бўйича Ўзбекистон чемпионатида биринчи ўринга сазовор бўлди.

Маълумки, Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш

ХАБАРЛАР

ВЕСТМИНСТЕР ТАЛАБАЛАРИГА АТАЛГАН СОВҒА

Мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллиги арафасида Тошкентдаги Халқаро Вестминстер университетининг янги кампуси очилди. Podrobno.uz сайтининг хабар беришича, ўқув корпуси, спорт мажмуаси ва ўқув-ресурс марказидан таркиб топган кампуснинг халқаро талабаларга жавоб берадиган даражада жиҳозланган биноларида Wi-Fi симсиз интернет тизимидан ҳам фойдаланиш мумкин. Эътиборлиси, бакалаврият талабалари учун барпо этилган ёрғун ва шинам ўқув корпусининг аудиториялари ва йўлакларини ойнаванд тўсиқлар ажратилиб туради. Ўқув корпусида, шунингдек, Британия Кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилган янги ўқув маркази ҳам жойлашган бўлиб, унда инглиз тилини ўрганиш, шунингдек, турли машғулот ва семинарлар ўтказиш учун барча шароитлар яратилган. Учта бадминтон корти, футбол, баскетбол ва волейбол ўйнаш учун усти ёпик майдондан иборат спорт мажмуасида, шунингдек, замонавий ускуналар билан жиҳозланган тренажёр зали ҳам бор. Аввалги кутубхонага нисбатан катталиги ва ёруғлиги билан ажралиб турувчи уч қаватли янги ўқув-ресурс марказида эса талабалар махаллий ва хорижий наشريётларда чоп этилган адабиётлар ҳамда бутун дунёга машҳур асарлар ва журналларнинг электрон нусхаларидан ҳам фойдаланишлари мумкин. Ш.Хўжаев.

МЕҲР ВА ЁЗБОЗДАН БАҲРАМАНД ДИЛЛАР

Наманган вилоятида «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижроси доирасида кам таъминланган оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтган ойларда бюджет ва ҳомиёлик маблағлари ҳисобидан 65 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. 103 миллион сўмга яқин ҳомиёлик маблағлари эвазига кам таъминланган оилаларнинг уй-жойи таъмирланди. Президентимиз Ислон Каримов раҳнаомлигида мамлакатимизда аҳолини иқтимоий муҳофаза қилиш, кам таъминланган оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 30 майдаги «2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни иқтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори муҳим дастуриламал бўлётди. — Давлат дастури доирасида ёлғиз қариюрлар, ногиронларга ўйлаб қорхона ва ташкилотлар томонидан 165 миллион сўмликка яқин ҳомиёлик ёрдами кўрсатилди. — дейди вилоят меҳнат ва аҳолини иқтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиги ўринбосари Бахтиёр Ваҳобов. — Вилоят ҳокимлиги ва қатор ташкилотлар ҳомиёлигида 26-Меҳрибонлик уйига компьютер жамламалари, каттик ва юмшоқ мебеллар топширилди. Бинонинг ташки қўрилиши, болалар майдончалари, ёзги саҳна, волейбол, баскетбол майдонлари таъмирланди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 3 миллион сўмлик спорт анжумлари, турли тренажёрлар келтириб ўрнатилди. Тикувчилик, тўқувчилик, қандолатчилик тўғрисидаги зарур анжумлар, тикув машиналари билан жиҳозланди. Ҳ.А.

ЮРТБОШИМИЗ ҚАРОРИ ЁШЛАРНИНГ ДУНЁГА ЧИҚИШЛАРИ УЧУН ЯНАДА КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТДИ

ПАРЛАМЕНТАРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ:

Ўзбекистон ва АҚШ тажрибаси

САМАРҚАНДДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ПАЛАТАЛАРИ ВА ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН «ПАРЛАМЕНТАРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ: ЎЗБЕКИСТОН ВА АҚШ ТАЖРИБАСИ» МАВЗУСИДА ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ

Унда АҚШ Конгресси вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси, Халқаро ривожланиш агентлиги (USAID), Миллий демократия институти (NDI) вакиллари, шунингдек, олимлар, таълим ва тадқиқот муассасалари ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг мутахассислари иштирок этди.

Конференция қатнашчилари Ўзбекистон ва АҚШда парламентаризмни ривожлантириш, хусусан, ижро ҳокимияти органларининг қонун ҳужжатларини бажариши устидан парламент назоратини ташкил қилиш ва амалга ошириш, парламентаризмнинг фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлиги соҳасида тажриба алмашиш, икки томонлама ўзаро манфаатли парламентларо алоқаларни ривожлантириш истиқболларини муҳокама этди.

Парламентаризмни ривожлантириш демократия, ҳуқуқий давлатни шакллантириш ва мустақамлашда муҳим ўрин тутди. Самарали фаолият кўрсатадиган кўппартияли парламент тизими давлат ва жамиятни бошқариш, муҳим иқтимоий-иқтисодий тараққиётга оид вазифаларни ҳал этишда фуқароларнинг иштирок этиши учун имконият ва шароит яратди.

Шу муносабат билан

конференция қатнашчилари Ўзбекистонда Президент Ислон Каримов раҳнаомлигида амалга оширилган кенг қўламли ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий демократик ислохотлар ўзаро боғлиқ ва изчил хусусиятга эга эканини алоҳида таъкидлади. Қонун устуворлиги, ҳокимиятни тармоқларга ажратиш ва уларнинг ваколатларини чеклаш, давлат бошқарувида фуқаролик институтларининг ролини ошириш мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим принципларидандир. Истиқбол йилларида Ўзбекистонда барқарор ва жадал ривожланиб бораётган сиёсий тизим, профессионал асосда фаолият юритаётган икки палатали парламент ва оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлиги соҳасида тажриба алмашиш, икки томонлама ўзаро манфаатли парламентларо алоқаларни ривожлантириш истиқболларини муҳокама этди.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси Ўзбекистонда тараққиётнинг янги босқичини бошлаб бергани таъкидланди.

Америка конгрессменлари ва экспертларининг фикрича, мустақил ривожланиш бўйича қисқа вақт ичида Ўзбекистонда тўпланган самарали парла-

ментаризмнинг бой тажрибаси демократик жараёнларни чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, бутун давлат механизмининг тизимли ишлашини таъминлашга хизмат қилаётди. Ўзбекистонда ушбу соҳада амалга оширилётган ислохотлар натижалари қўллаб-қувватлаш учун намуна бўлиши мумкин.

«Биз мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини куриш борасида амалга ошириладиган тўб ўзгаришлардан яхши хабардоримиз, — деди АҚШ Конгресси Вакиллар палатасининг аъзоси Эни Фалеомваега. — Ўзбекистон раҳбарияти ва халқи томонидан мамлакатни ривожлантириш шартлари ва вазифаларига мос демократик тизимнинг танлангани энг тўғри йўлдор. Президент Ислон Каримовнинг ҳуқуқат фаолияти устидан парламент назоратини кучайтиришга доир ташаббуси ҳар томонлама эътиборга лойиқ. Бундай тизим АҚШда ҳам мавжуд. Ўзбекистон нафақат Марказий Осиё минтақаси, балки бутун жаҳонда муҳим ўрин тутадиган мамлакатдир. Шу боис халқаро ҳамжамият Ўзбекистоннинг позицияси ва мамлакатини ривожлантиришнинг янги босқичини бошлаб бергани таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сенаторлари ва депутатлари, АҚШ конгрессменлари ўз

чиқишларида ҳар икки давлат парламенти ўртасида ўзаро амалий ҳамкорлик йўлга қўйилгани ва ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидладилар. Парламентларо муносабатларнинг мустақамлашиб бораётгани парламент фаолияти бўйича тажриба алмашиш учун яхши имконият яратмоқда.

«Ўзбекистонда барча жаҳонда амалга оширилётган улкан бунёдкорлик ишлари мамлакатини ривожлантиришда тинчлик-фаровонликдан далолатдир, — деди АҚШ Конгресси Вакиллар палатаси аъзоси Жеймс Моран. — Мамлакатларимиз парламентаризмининг иш тажрибасини ўрганиш ҳар икки томон учун ҳам фойдали бўлади, деб ўйлайман. Жумладан, Конгрессда биз фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликка қатнаш эътибор берамиз».

Конференция қатнашчилари муҳокама чоғида ҳар икки мамлакатда парламентнинг ролини ошириш давлат қурилишининг муҳим устувор йўналишларидан эканини таъкидлади. Аҳоли сиёсий фаоллигининг ўсиб бораётгани эса ижтимоий ривожланишнинг муҳим омилларидандир.

Анжуман иштирокчилари Ўзбекистонда парламентаризмни янада ривожлантириш жараёнида демократия институтлари ривожланган хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ва ундан фойдаланиш муҳимлигини қайд этди.

Америка конгрессмен-

лари ва мутахассисларнинг парламентаризм, қонун ижодкорлиги фаолияти ва парламент назоратини ривожлантиришда АҚШ тажрибаси, АҚШ Конгрессининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда экология муаммолари бўйича фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигига бағишланган маърузалари анжуман иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Давлат ҳокимиятини демократик янгилаш ва мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини, қонунлар ижросини таъминлаш, давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан тегишли жамоатчилик назоратини амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг аҳамиятини кучайтириш масалалари бўйича тажриба алмашиди.

Конференция қатнашчилари икки мамлакат тажрибасидан келиб чиқиб, парламентларо ҳамкорликнинг асосий йўналишларини белгилаб олди. Қонун ижодкорлиги ва парламент фаолияти тажрибасини ўзаро ўрганишни кенгайтириш, ўзаро таҳлилий материаллар ва ахборот алмашиш, биргаликда парламент фаолияти самардорлигини оширишга қаратилган семинар-тренинглار, давра суҳбатларини ўтказиш зарурлиги таъкидланди.

Анна ИВАНОВА,
Ирода УМАРОВА,
Ўза муҳбирлари

Ифтихор

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀



Муҳаррам ИЛҲЯСОВА,
Тошкент давлат иқтисодий университети талабаси, O'zLiDeP

— Оммавий ахборот воситаларида «Мустақиллик тенгдошлари» ҳақида эшитганимда худди мен ҳақимда гапиришга туюнгандай туюлди. Чунки Ватанимиз истиқлолга эришган йилда туғилганман ва бу билан факрланаман. Шунинг учун бўлса керак, мустақиллик бизга нима берди, деб эмас, балки биз мустақилликка нима бердик, деб яшаш ва шунга яраша ҳаракат қилишга интиламман.

Менимча, бугунги ёшларнинг асосий вазифаси яхши таълим олиш, устозлар сабогини қўнғ билан ўрганишидир. Бунинг учун эса мақсадга эришмагунча тинимсиз изланиш ва астойдил интилиш зарур. Масалан, мен талаба бўлиш учун тўрт йил ҳаракат қилдим. Уч йил тест синовла-

ридан ўта олмадим. Лекин илм олишдан тўхтамадим. Натижада мақсадимга етиб талаба, деган номга мушарраф бўлдим.

Айнан шу мутахассисликни танлаганим бежиз эмас. Чунки бугунги ислохотлар муваффақиятини замонавий ахборот технологиялари ривожини ва соҳанинг етуқ кадрларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Мен эса мамлакатимиз мустақиллигини мустақамлаш ва иқтисодийни янада тараққиёт этиришга ана шу йўналишда хизмат қилмоқчиман.



Музаффар АЗИМОВ,
Тошкент давлат техника университети талабаси:

— Биз, ёшлар ўзимизни бизнес соҳасида дадил синаб кўраётганимиз ҳам истиқлол шарофатидан, деб ўйлайман. Масалан, тадбиркорликка қизиқишим туфайли 2011 йилда O'zLiDePнинг «Ишбилармон ташаб» лойиҳасида иштирок этдим. Аввал

Тонкент шаҳар босқичида 1-ўринга сазовор бўлдим ва республика босқичига йўлланма олдим. Наманган шаҳрида ўтказилган республика босқичида ҳам голиб деб топилди, O'zLiDeP стипендиясини оладим.

Савол туғилди: агар мен интилмаганимда бунга эришганимиз мумкинми? Албатта, йўқ. Худди шунингдек, ёшларимиз тадбиркор бўлишга астойдил интилади, ўз-бизнес голярига ишонса, уларнинг амалга ошиши муқаррар. Шунинг учун ҳам бизнесни ёшлигидан бошлаб, муваффақиятга эришадиганлар фаолиятини яхши ўрганиши ва уларнинг муваффақияти сирларини билишимиз лозим. Айтганимдек, биздан ўз кучига ишонини ва астойдил интилиш талаб этилади.

Бугунги кунда веб-сайтлар яратиш бўйича ўз бизнесини ташкил қилганман. Бугунга қадар «Халқ сўзи», «Davr Press» газеталари, двигателлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Deutz AG» чет эл қорхонаси ва бошқа бир қанча туристик фирмалар учун веб-сайт ва порталлар яратиб бердим. Келажакда сайтлар яратишдан ташқари, замонавий ахборот технологияларида оид хизматларини ҳам йўлга қўймоқчиман.

Буюк давлат келажакимиз



Нигора МАХСУМОВА,
Тошкент давлат иқтисодий университети талабаси:

— Мен Президентимизнинг «Ҳар қандай одам ўсмирлик чоғида, эндигина вояга етиб келадиган даврда жамиятда муносиб ўринни топиши керак» деган гапларини ҳеч қачон ёдан чикармайман. Ана шу даъват доимо мени олға интилишга ундайди.

Зеро бугунги тараққиёт

шиддати жаҳон илм-фани ютуқларидан кенг қўламли фойдаланишни тақозо этмоқда. Шу маънода хорижий тилларни чуқур ўрганиш кундалик заруратга айланган ҳам ҳеч қандай сир эмас. Давлатимиз раҳбарининг чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори эса ёшларнинг дунёга чиқишлари учун янада кенг имкониятлар яратди. Бу гапларни бежиз айтмайман. Чунки ўзим болалигимдан инглиз тилини ўрганиб кам бўлмадим. Ҳозир исталган хорижлик билан тиллашиб, Ватанимиз эришадиган ютуқлар, ёшларга яратилган имкониятлар хусусида бемалол суҳбатлаша олам.

Шухрат РАҲИМОВ
суҳбатлашди.

БИР ҲОВУЧ ДУР

Оилани бузишга мўлжалланган ҳар қандай ижтимоий назоратлар яроқсиз, шу билан бизга номақбулдир. Оила – жамиятнинг дуру гавҳари.

Оила мўъжазгина бир жамиятдир, бутун инсониятнинг дахлсизлиги ҳам жипслигига боғлиқ.

Бурч масъулияти

ПОЙТАХТИМИЗ ТОШКЕНТНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТАЁТГАН ЙИГИРМА ОЛТИ МИНГГА ЯҚИН O'ZLiDeP АЪЗОСИ «ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТАЯПТИ. УЛАРНИНГ ЭЪЛИК ФОИЗГА ЯҚИНИ ЭСА ХОТИН-ҚИЗЛАРДАН ИБОРАТДИР

Наргиза КАХХОРОВА,
«XXI asr»

O'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими мудири Дилноза Абдуллажонованинг таъкидлашича, уларнинг қарийб 4000 га яқини ташаббускор ҳамда фидоий тадбиркорлардир. Жуда катта имкониятларга эга бўлган ана шундай опа-сингилларимиз истиқлол байрамини ҳам ўзига хос муваффақиятлар билан кутиб олдилар.

— Бугун шахримиздаги 12 та туман кенгашида аёллар масалалари бўйича раис ўрин-босарлари, «Аёллар қаноти» ҳамда улар қошидаги «Ёш етакчи қизлар клуби» фаолият олиб бормоқда, — дейди Д.Абдуллажонова. — Аксарият бошланғич ташкилотларга ҳам аёллар етакчилиги қилаётгани улар зиммасига катта масъулият юклатилганидан далолат беради, албатта. Маълумки, бугун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида ҳам хотин-қизлар кўпчилигини ташкил этмоқда.

Бундан ташқари давлат органлари, таълим, тиббиёт тизимида, савдо, саноат ва курилиш соҳасида ҳам бир пайтлар «ожиза», дея аталган аёллар меҳнат қилаётгани, раҳбарлик лавозимларида иш олиб бораётгани Ўзбекистонда аёлларни қўллаб-қувватлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани натижасидир. «Аёллар қаноти» эса ёш қизларимизга ўрнак бўлиши учун машҳур опа-сингилларимиз, тадбиркор сафдошларимиз иштирокида турли учрашув, давра суҳбатлари ўтказиб, улар таърибларини оммалаштиряпти.

— Ана шундай тадбирлар қандай натижа берапти?

— Жорий йилнинг олти ойида ҳамкор ташкилотлар билан 180 дан ортиқ тадбир ўтказилиб, уларда асосий эътибор «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгилаб берилган вазифалар электорат вакиллари учун яратилган шарт-шароит, амалдаги қонунларда белгиланган имтиёزلарни кенг тартиб эшиштиришга қаратилди. «Аёллар қаноти» гуруҳлари томонидан ўтказилаётган ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий мавзулардаги тадбирларда ҳам хотин-қизларимизнинг сиёсий



O'ZLiDeP сайловдан дастуридан
ПАРТИЯ ЎЗ ОЛДИГА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ИЖТИМОЙ-ҲУҚУҚИЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, УЛАРНИНГ КАСБИЙ, МАЪНАВИЙ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ЎСИШИГА КўМАКЛАШИШ, БАНДЛИК МАСАЛАЛАРИНИ ҲАЛ ҚИЛИШ, МЕХНАТ ШАРОИТИНИ ЯХШИЛАШ, АЙНИҚСА, ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИГА ЖАЛБ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИНИ КўЯДИ.

фаолликларини ошириш, жойларда ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда янги иш ўринларини яратиш масалаларига қаратилмоқда. Албатта, натижаларни сонлар билан ўлчаш қийин. Аммо тизимли тадбирлардан кейин ўз бизнесини йўлга қўймоқчи бўлган опа-сингилларимиз сони ортаёпти. Бу энг муҳим, айни пайтда туманларда тадбиркорлик ривожланиб, опа-сингилларимизнинг ижтимоий фаоллиги юксалаётганига гувоҳ бўлаёмиз.

— Айтингчи, ўтган даврда аёлларни иш билан таъминлаш масалаларига қандай натижаларга эришилди?

— Маълумки, иш ўрни ташкил этиш учун аввало катта ёки кичик бўлсин бироқ корхона ишига туширилиши керак. Масалага шу нуқтага назардан қаралса, «Аёллар қаноти»нинг «Тадбиркорлик тамойиллари ва

ишбилармонлик имкониятлари», «Оилавий тадбиркорликдан — мустақкам оилага» лойиҳалари натижасида қўллаб-қувватлаш имконияти таъминланган. Масалан, жорий йилнинг ўзида «Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари» лойиҳаси доирасидаги ўқув-семинарларимизда 500 нафарга яқин хотин-қиз тадбиркорлик билан шуғулланиш учун зарур бўлган ҳужжатларини йиғиш, бизнес-режа тузиш кўникмасига эга бўлишди. Лойиҳанинг мантиқий давоми бўлган «Оилавий тадбиркорликдан — мустақкам оилага» лойиҳасининг туман ва шаҳар бўлиқларида эса 1600 нафар иштирокчилнинг 25 нафари имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатларни қўлга киритди. Демокриманки, бундай тадбирлар хотин-қиз-

ларда тадбиркорлик ва ишбилармонлик кўникмаларини янада ривожланишига ёрдам берибгина қолмай, тадбиркор хотин-қизлар сонининг ортишига ҳам хизмат қилаёпти. Маълумотларга кўра, шахримиздаги тадбиркор опа-сингилларимизнинг 38321 нафари айни кунда O'zLiDeP аъзоси бўлиб, «Обод турмуш йили»да улар сафининг сезиларли даражада кенгайиши кутилмоқда. Ҳозиргача «Аёллар қаноти» ташаббуси билан 287 нафар хотин-қизимиз доимий иш билан таъминланди.

— Аёллар фаолиятини янада жонлантиришга оид қандай тақлиф ва мулоҳазаларингиз бор?

— Аёлнинг оилада, маҳалла ва жамиятда фаол бўлиши, аввало, унинг ижтимоий-сиёсий салоҳиятига боғлиқ. Албатта, сиёсий жиҳатдан етуқ, ижтимоий жараёнларда фаол бўлган хотин-қизларимиз кўпчилигини ташкил этади. Бироқ улар орасида уй-рўзгор юмушлари билангина оғир бўлиб қолаётганлари ҳам йўқ эмас. Жойлардаги бошланғич ташкилотлар, маҳаллалардаги маслаҳатчи аёллар, ҳаёт мактабини ўтган онахонларимиз орқали ана шундай хотин-қизларимизни ҳам ўз сафимизга қўшиш учун фойдаланилаётган имкониятлар ишга солиниши керак. Бу борда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликни янада кучайтирсак, мақсадга мувофиқ бўларди.

Давра суҳбати

Асхор ИСТАМОВ,
«XXI asr»

O'zLiDeP вилоят кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими ташаббуси билан туман ҳокимлигида «Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари» лойиҳаси доирасида уюштирилган давра суҳбатида «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуннинг мазмун-моҳияти хусусида батафсил сўз юритилиб, хотин-қизларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка жалб этиш, уларнинг ҳуқуқий-иқтисодий билимларини ошириш, тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар ажратиш тизимини янада такомиллаштириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

— Соҳада инновацион технологияларни қўллаш жойларда янги иш ўринлари ташкил этиш имкониятини кенгайтирмоқда, — деди тадбирда O'zLiDeP туман кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Улмас Раҳматов. — «Обод турмуш йили»нинг ўтган даврида уюштирилган барча тадбирлар, хусусан, бугунги учрашув ҳам ишбилармонликка оид энг сўнгги янгилик ва маълумотларни юрдошларимизга етказиш асосида улардан тўғри фойдалана олишга бағишлангани бежиз эмас.

Марказий банкнинг Бухоро вилоят бош бошқармаси кредит бўлими ходими Зафар Ҳақбердиев эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, оилавий корхона, шунингдек, юридик шахс ташкил этмасдан туриб

ҳам оилавий бизнес билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларини молиялаштириш, уларга имтиёзли кредитлар бериш билан боғлиқ масалаларга тўхталди. «Тадбиркор аёл» уюшмаси вилоят бўлими раиси, O'zLiDeP вилоят кенгаши раисининг аёллар масалалари бўйича ўринбосари Дилбар Аҳмедова партиявий лойиҳанинг амалдаги ижроси оилавий корхоналарни ривожлантириш йўли билан аҳоли даромадини кўпайтиришга самарали таъсир кўрсатаётгани хусусида маълумотлар берди.

«Микрокредитбанк» вилоят бўлими ходими Жамшид Холбоевнинг таъкидлашича, тикувчилик, асарчилик, паррандачилик йўналишлари ҳамда иссиқхоналар ташкил этаётган тадбиркорларга 20 миллион сўмга

ча 6 ой муддатга 12 фоизли кредитлар ажратилаётди. Бундан ташқари бошланғич сармоа учун 3 фоизли, шунингдек, оилавий тадбиркорлар учун давлат рўйхатидан ўтмасдан туриб ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун 3 йил муддатга кредитлар олишда катта имтиёз ва имконият яратилган.

Тадбирда, шунингдек, «Тадбиркор аёл» уюшмаси туман бўлими раиси Маҳбуба Шодиева, Бухоро педагогика коллежи оилашунослик фани ўқитувчиси Замира Жўраева, тадбиркорлар Шарофат Бахронова, Собираҳам Элова ва бошқалар ҳам сўзга чиқиб, соҳани янада ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, кредитлаш тизимини изчил такомиллаштириш бўйича ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдирилди.

Ҳамкорларимиз

ССП партия лойиҳаларини ҳам қўллаб-қувватламоқда

ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ НАВОИЙ ВИЛОЯТ ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ БОШЛИГИ ЗОКИРЖОН ШАРИФЖОНОВНИНГ ТАЪКИДЛАШИЧА, АЙНИ ПАЙТДА ВИЛОЯТДАГИ 1651 ТА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТИ ПАЛАТА БИЛАН ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИНИ ЎРНАТГАН. «ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ»НИНГ ЎТГАН ДАВРИДА ЭСА ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАГА АЪЗО БЎЛГАН 60 ГА ЯҚИН ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТИНИНГ 48 ТАСИНИ ЮРИДИК ШАХС МАҚОМИГА ЭГА КОРХОНАЛАР ТАШКИЛ ЭТАЁТИР

Мансур АСЛОНОВ,
«XXI asr»

Йил бошидан буён вилоят ҳокимлиги, прокуратура, адлия ҳамда солиқ бошқармалари, тижорат банклари, сугурта компаниялари, «Камолот» ЁИҲ ҳамда O'zLiDeP Навоий вилоят кенгаши билан ҳамкорликда ўтказилган семинар, учрашув ва давра суҳбатларида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун яратилаётган қулайлик ва имтиёزلар, кўрсатилаётган хизматлар хусусида кенг маълумотлар берилаёпти.

— Шу ўринда O'zLiDeP ташаббуси билан ағънавий тарзда ўтказилаётган «Биз — ёш тадбиркор оиламиз», «Диплом билан — бизнес», «Ватаним тараққиётида менинг ҳиссам», «Мулкдор оила» сингари кўрик-танлов ва лойиҳаларни ўтказишда ҳам бошқармамиз фаол иштирок этмоқда, — дейди З.Шарифжонов.

Ҳа, чиндан ҳам палата тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш йўлида барча имкониятлардан фойдаланаёпти. Бундан олти ойда бошқарма ҳузуридаги Марказ томонидан тадбиркорларга 3603 та консалтинг, таъсис ҳужжатларини тайёрлаш, бизнес-режа ишлаб бериш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этиш, ахборот-маслаҳат, юридик ҳамда бошқа хизматлар кўрсатиладиган ҳам қўриш мумкин. Тадбиркор ва ишбилармонларнинг ҳаётини муаммоларини кўриб чиқиш ва ҳал этишда вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари билан ҳамкорликда ташкил этилаётган «Очиқ эшиклар кўни» ҳам муҳим аҳамият касб этаётганини

таъкидлаш жоиз. Йилнинг биринчи ярмида вилоят миқёсида ўтган ана шундай тадбирларда 1676 та тадбиркорлик субъекти иштирок этган бўлса, уларнинг 548 та мурожаати жойларнинг ўзига ҳал этилди.

Палата кўмагида жорий йилнинг ўтган даврида Испания, Германия, Хитой, Россия, Украинада ўтган турли кўргазма ва ярмарка ҳамда бизнес-форумларда иштирок этган тадбиркорлар 188,5 минг АҚШ долларлик шартнома имзолادилар. Апрель ойида Хитойда ўтган халқаро кўргазмада эса 18 нафар навоийлик тадбиркор иштирок этиб, 3 та лойиҳа бўйича дастлабки келишувга эришиб қайтди.

Палата аъзоси ҳисобланган тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида сулларга умумий қиймати 72,3 миллиард сўмликка яқин 466 та давво аризаси киритилиб, унинг 119 таси тадбиркорлар фойдасига ҳал этиб берилгани ҳам палатага бўлган ишончини мустақкам-ляпти. Умумий давво суммаси 59 миллиард 754 миллион 833 минг 733 сўмлик 342 та мурожаат бўйича айни кунда суд жараёни давом этмоқда.

Хулоса ўрнида шунини айтиш жоизки, жорий йилнинг ўтган ярим йиллигида вилоятда янги ҳудудий маҳсулотининг 2,3 фоизга ўсиши, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш суръати 107,7 фоиз, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 13,9 ҳамда ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда 4,1 фоизлик ўсишга эришилганида ҳам Савдо-саноат палатаси Навоий вилоят ҳудудий бошқармасига аъзо бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг муносиб хизматлари бор.

ХАБАРЛАР

САЙЁР ЙИГИЛИШ БАЙРАМГА БАҒИШЛАНДИ

Олмалик шаҳридаги «Кимёгарлар» маданият саройида O'zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши ташаббуси билан Мустақиллигимизнинг 22 йиллигига бағишланган «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида илмий-амалий анжуман ташкил этилди.



Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, вилоятнинг фаол ишбилармонлари, фермерлар ҳамда ёшлар иштирок этган тадбирда O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Муҳаммадсўф Тешабоев сўзга чиқиб, истиқлол берган имкониятлар, унинг амалқатимиз, шунингдек, Тошкент вилояти иқтисодий ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрнига тўхталди. Худудда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, аҳолининг фаровон ҳаёт кечириши учун қўлай шарт-шароитлар яратиш, тадбиркорларга ҳар томонлама қўлай бизнес муҳити яратиш бўйича изчил ишлар амалга оширилаётгани, барча туманларда хизмат кўрсатиш тизими ривожланиб, саноат, курилиш ва аграр соҳасида улкан натижалар қўлга киритилётгани алоҳида таъкидланди. Тадбир давомида партия фаолларига қимматбахшо совғалар топширилган бўлса, O'zLiDeP сафига қабул қилинган янги аъзоларга махсус гувоҳномалар берилди. Шундан сўнг, санъаткорларнинг дирибар қўшиқ ва рақслари барчага кўтаринки кайфият бахш этди.

Таъкидлаш жоиз: сайёр йиғилиш катнашчилари Пискент туманида намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган уй-жойларни ҳам бориб кўрдилар. Раваҳан ҲАЙДАРОВ.

«ЎЗБЕККИНО» МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

2013-2016 йилларда мамлакатимиздаги барча етакчи киностудия ва кинотеатрлари халқаро стандартлар бўйича реконструкция қилинади. «Ўзбеккино» миллий агентлиги тарқатган маълумотларга кўра, айни кунларда мамлакатимиз кино саноати соҳасини тубдан ислоҳ қилишга оид ҳужжат лойиҳалари тайёрланмоқда. Агентлик сайтининг хабар беришича, ана шу вақт давомида «Ўзбекфильм», «Кораллофильм» ва «Ўзкинохроника» киностудиялари учун замонавий камералар, Долби-Сирраунд форматидоги овоз ёзиш ускуналари ҳамда 3Д технологияларини харид қилиш, шунингдек, студиялар жойлашган биноларни тўлиқ таъмирлаш кўзда тутилган. Бундан ташқари, лойиҳа бўйича 2014-2016 йилларда барча вилоят марказлари ҳамда йirik шаҳарларда катта кинотеатрлар барпо этиш, пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги кино саройи ва Республика Киночилар уйи каби объектларни замонавий проекцион ва овоз қўчайтирувчи ускуналар билан таъминлаш режалаштирилган. Шухрат Ҳўжаев.

2013 — ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ

СИРДАРЁ



О'zLiDeP Мирзаобод туман кенгаши «Боғистон» МФЙдаги бошланғич ташкилотда «Мустақилликка эришиш остонасида: изчиллик, қатъиятлик ва барқарорлик» мавзuida давра суҳбати ўтказилди. Унда юртимизнинг мустабид тузум исканжасидан халос бўлиши жараёнида Президентимиз ва халқимизнинг мислсиз шижоати ва мардлиги яққол намойён бўлгани, бугунги кунда ана шу буюк қатъият самараларидан баҳраманд бўлаётганимиз хусусида сўз юритилди.

ҚАШҚАДАРЁ



Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича 70 та халқро ҳужжатни эътироф этган, шунингдек, БМТ томонидан қабул қилинган олтинта асосий халқро шартнома аъзосидир. Уларда белгиланган принципларда инсоннинг барча соҳалардаги ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимояси қафолатланган. Яқкабоғ тумани Маиний касб-хунар коллежидаги БПТда бўлиб ўтган «Мустақиллик — инсон ҳуқуқ ва эркинликлари таъминлашнинг асосий омил» мавзuida очик мулоқот иштирокчиларига ана шундай маълумотлар берилди.

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

«XXI ASR» 2013 йил 5 сентябрь, пайшанба

web sayt: www.21asr.uz, e-mail: xxi_asr@mail.ru

ҚУЙИ БЎҒИНЛАРДА БАЙРАМ

Юқоричирик тумани Фермерлар кенгаши қошида ташкил этилган бошланғич ташкилотда «Қадр-қимматим, таяним ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шiori остида электрот вакиллари иштирокида байрам тадбири бўлиб ўтди. Истиқлол йиллари мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг катта оқимлари, ишбилармонлик муҳити яратилгани хусусида атрофлича сўз юритилган тадбирда яқин ўтмишда рўй берган воқеалар билан бугунги кунда эришилган натижалар ҳам қибсан тахлил этилди. Бекободдаги «Лочин» МЧЖ қошидаги бошланғич партият ташкилотидида ҳам ана шундай кеча уюштирилди. Тадбирда бекободлик тадбиркорлар, туман кенгаши депутатлари, О'zLiDeP аъзолари бўлган ёшлар иштирок этиб, «Мустақиллик — инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг асосий омил» мавзусида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар. Зиёдулла МУМИНОВ.

УЧТА ЯНГИ БПТ ТУЗИЛДИ

О'zLiDeP Поп туман кенгаши туман миқёсида партият нуфузини янада ошириш, янги қуйи бўғинлар очиб, уларга етуқ кадрларни жалб этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратапти. — Кунни кеча туман молия бўлими, марказий поликлиника ва газаччилик бўлиmlариди янги БПТлар ташкил қилинди, — дейди партият туман кенгаши аппарат раҳбари Баҳриддин Қирғизбаев. — Молия бўлимидаги бошланғич ташкилотга 7 нафар, марказий поликлиникадаги янги тузилмага 11, газаччилик бўлимидаги қуйи бўғинга эса 5 нафар аъзо бирилади. Уларда Фотима Мирзамуродова, Сотқуний Камариддинова, Нодиржон Солиев сингари ташаббускор фаоллар етакчилиққа сайландилар. Энг муҳими, учала БПТ учун ҳам алоҳида хоналар ажратилиб, улар керакли адабиётлар, ўқув қўлланмалари билан жиҳозланди.



«БОҒОТ-ТЕКСТИЛ»НИНГ ШАҲДАМ ОДИМЛАРИ

Истиқлолимизнинг 22 йиллиги тантаналари арафасида «Боғот-текстил» қўшма корхонасида иш олиб бораётган бошланғич ташкилот аъзолари «Мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашга ҳисса қўиши ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи» мавзuida давра суҳбати ўтказилди. Юздан зиёд киши қатнашган тадбирда яқин тарихимизда рўй берган воқеалар, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги ўзгаришлар хусусида кенг маълумотлар берилди. Шуниси диққатга сазоворки, 2004 йили 15 нафар аъзоси бўлган БПТ ҳозир 54 нафар кишини ўз сафларида бириштирган ҳолда фаолият олиб бормоқда. Халқ депутатлари Боғот туман кенгаши депутати Гулнора Хусанова ҳам ушбу корхонадаги 275 нафар жамоадошига ўрнак қўрсатаётган партият фаолларидан. Жорий йилда жами 130,1 тонна ип-каппа маҳсулотлари тайёрлаб, қарийб 1,6 млрд. сўмга сотган жамоа байрам шодибоналарини кўтаринки рўҳда қўтиб олаётир. Жамоанинг бундай муваффақиятлари эса «Боғот-текстил»нинг истиқболи порлоқ эканидан далолат беради. Ўз мухбиримиз.

Ҳақиқий бойлик — инсондир

МУСТАҚИЛЛИК ЮРТДОШЛАРИМИЗНИНГ ЎЗ ИСТЕЪДОД ВА ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ ТЎЛА НАМОЁН ЭТИШИ, ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШИ УЧУН МИСЛСИЗ ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТГАНИ БИЛАН ҲАМ ҚАДРЛИДИР

Бекзод ИСРОИЛОВ, «XXI asr»

Қарийб саккиз йилдан буён «Шовот нон» масъулияти чекланган жамиятида иш олиб бораётган БПТ расиси Янгибой Юсупов зиёли тадбиркор ва жонкуяр раҳбар сифатида истиқлол самараларини ўз ҳаётида теран ҳис этаётган партият фаолларидан.

ман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази билан ҳамкорликда шовотлик аёллар ва ёшлар учун иш жойлари ташкил этишда ҳам фаол иштирок этишяпти.

БПТ етакчисининг фикрича, инсоннинг қадр-қиммати унинг моддий ва маънавий бойликлари яратиши, ишлаб чиқарувчи қуч эканида эмас, балки жамиятнинг онгли аъзоси, муштариф фикрловчи шахслигидадир.

О'ZLIDEP ДАСТУРИДАН

ПАРТИЯ ДАВЛАТИНИНГ ИЖТИМОЙ СОҲАГА ОИД СИЁСАТИДАГИ СТРАТЕГИК УСТУВОР ЙЎНАЛИШНИ ИНСОНГА БЎЛГАН ЭЪТИБОР ТАШКИЛ ЭТИШИ ЛОЗИМ, ДЕБ ҲИСОБЛАЙДИ.

Мазкур қуйи бўғин аъзолари энг улуг ва энг азиз байрамимиз арафасида истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ ўртага ташланган «Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун, инсон манфаатларини таъминлаш учун» деган ғоянинг туб мазмун-моҳиятини янада кенгроқ тарғиб этиш учун жойларда «Инсоннинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадр-қиммати ҳамда ҳуқуқ ва эркинликлари муқаддасдир», «Тобора тараққий топаётган жамиятимизда инсон — олий қадрият», «Янги жамиятни куриш жараёнларида дахлдорлик ҳисси билан яшайлик» сингари мавзуларда турли тадбирлар ўтказаятирлар.

Шунингдек, партият фаоллари ту-

Албатта, одамлар жисмоний қучи, лаёқати ва ўзга хислатлари жиҳатидан тенг эмас, бироқ жамиятимизда уларнинг барчасига бирдек ҳурмат ва эътибор билан муносабат билдирилайётгани ўз самарасини бермоқда.

— Бошланғич ташкилотлар аҳолининг турли табақалари билан бево-сита иш олиб боради. Шунинг учун ҳам улардан жуда катта масъулият ва жавобгарлик талаб этилади, — дейди Янгибой Юсупов. — Шовотда 147900 нафар аҳоли истиқомат қилаётган бўлса, уларнинг 51 фоизини аёллар, 46 фоизини эса ёшлар ташкил этади. Бу эса партиятнинг ёшлар ва аёлларга доир фаолиятини изчил қучайтириб бориши тақозо этади. Ана шундан



келиб чиқиб, О'zLiDeP Шовот туман кенгаши 2013 йилнинг ўтган олти ойида аёллар иштирокида 97 та тадбир ўтказди. Партиятвий лойиҳалар эса ёшларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий билимларини юксалтириш ва уларда тадбиркорлик қўниқмаларини шакллантиришга хизмат қилаяпти. Биз юқориди «Шовот-нон» тумандаги қўллаб қорхоналарга ибрат бўла-

ётганини таъкидлагандик. Бу бежиз эмас, албатта. Яқинда қорхона томонидан аҳолининг нон маҳсулотлари тарқатаётир, ёз мавсумида тумандаги соғломлаштириш оромгоҳларига ҳам маҳсулотлар етказиб берилди. Бу мазкур қорхона жамоасининг ўз зиммасидаги ижтимоий масъулиятини теран ҳис этаётганидан далолатдир.

ийгилиши қарорига мувофиқ қорхона ҳар ойда кам таъминланган 20 та оилага ун ва ун маҳсулотлари тарқатаётир, ёз мавсумида тумандаги соғломлаштириш оромгоҳларига ҳам маҳсулотлар етказиб берилди.

Бу мазкур қорхона жамоасининг ўз зиммасидаги ижтимоий масъулиятини теран ҳис этаётганидан далолатдир.

ҒАМХЎРЛИК ВА САҲОВАТПЕНАЛИК ИФОДАСИ

Бухоро шаҳридаги «Беҳиштиён» маҳалла фуқаролар йиғинида ташкил этилган бошланғич ташкилот аъзолари кутлуг саналар муносабати билан ўтказиладиган давра суҳбатлари, бир пилла чой бахонасидаги юзма-юз мулоқотларга ҳамisha бош-қош бўлишади. Улуг айём — Мустақиллигимизнинг 22 йиллик байрами арафасида ҳам ночор ва эҳтиёмманд оилаларда истиқомат қилувчи кишилардан 60 нафари тўқин байрам дастурхони атрофида тўпланди. Тадбирда Республика маънавият ва маърифат маркази Бухоро шаҳар бўлимининг бошлиғи, шоир Рўзимурод Махмудов, маҳалла раиси Зулхумор Саидова, «Шайхуллола» масжиди имом-хатиби Равшан Комиллов сўзга чиқиб, мустақиллиқнинг буюк неъмат эканини, уни қўз қорачигидек асраш ҳар бир фуқаронинг бурчи, ёшларни мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилишимиз лозимлигини таъкидладилар. О'zLiDeP фаоллари бу борада ҳар қачонгидан кўра изчил иш юритишлари зарурлиги алоҳида кайд этилди. Ушбу маҳалла фуқаролар йиғинига бириктирилган 20 та кўп қаватли уйда жами 2481 нафар киши истиқомат қилади. Эҳтиёмманд оилалар маҳалла фаолларининг доимий эътиборида. Саҳоватпеша тадбиркорлардан Ҳамроҳожи ота Саноев, Дилшод Усмонов, ака-ука Темур ва Эркин Самадовлар ёлғиз кексалар, ногиронларга қўлдан келганча моддий ва маънавий ёрдам беришяпти.



XXI ASR
ижтимоий-сиёсий газетасига
ОБУНА бўлинг!
Мувоҳазат учун телефон: (8-371) 215-63-80

«Зомин асали»да ҳам янги БПТ қанот ёзажак

МАМЛАКАТИМИЗДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР, СИЁСИЙ, ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАДАГИ ЎЗГАРИШЛАР АҲАМИЯТИ, УЛАРНИНГ ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ВА ДАВЛАТИМИЗ РИВОЖИДАГИ ЎРНИНИ ҲАР БИР ФУҚАРО, АЙНИҚСА, ҲОЗИРГИ КУНЛАРДА — ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 22 ЙИЛЛИГИ КЕНГ НИШОНЛАНАЁТГАН ДАМЛАРДА ТОБОРА ЧУҚУРРОҚ ҲИС ЭТАЙТИР

Ахроржон МУСУРМОНОВ, «XXI asr»

Бу О'zLiDeP аъзолари фаолиятида ҳам яққол акс этмоқда. Хусусан, Зомин туманидаги 23 та бошланғич партият ташкилоти ва улар атрофида уюлган 600 нафардан ортиқ маслакдошимиз ҳам зиммаларидаги масъулиятни теран англаган ҳолда ислоҳотлар жараёнида фаол иштирок этмоқда.

«Агробанк»нинг туман бўлимида иш олиб бораётган қуйи бўғин ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда ҳам хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни янада ривожлантириш, ёшларда соҳага оид қўниқмаларни шакллантириш масалалари муҳокама этилди. Асосан БПТ аъзоларининг бурч ва мажбуриятлари ҳақида сўз юритилган учрашувлда мулкдорларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, маҳаллалар, аҳоли яшаш жойларида қўшимча иш ўринларини барпо этиш партият фаолларининг диққат марказида бўлиши лозимлигига алоҳида ургу берилди.

Маълумки, тарғибот-ташвиқот ишларини изчил қучайтириб бориш партият



тарафдорлари сафини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис жойларда «Юрт тинчлиги учун қурашиш — ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи», «Мустақиллик психологиясининг моҳияти ва аҳамияти» мавзуларида семинар-ўқув ва давра суҳбатлари ташкил этилмоқда. Ўз навбатида, бу жараёнда электрот вакиллари фаоллик қўрсатаётганини алоҳида таъкидлаш даркор.

— Президентимизнинг «Озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори тадбиркорлар учун янада қулай шарт-шароит яратилишига замин яратди, — дейди асалариччиликка ихтисослашган «Зомин асали» МЧЖ раҳбари, О'zLiDeP аъзоси Фахриддин Аҳмедов. — Шу боис озиқ-овқат маҳсулотла-

ри етиштиришга ихтисослашган қорхона ва фермер хўжаликлари бу борадаги истиқболли режаларига ўзгартишлар киритмоқдалар.

Таъкидлаш жоизки, Ф.Аҳмедов туманининг энг ошди тадбиркорларидан. У ўн йилдан буён Ўзбекистон Савдо-санаят палатаси марказий кенгаши ва Ўзбекистон Асалариччилик жамияти аъзосидир.

Партият фаоли нафақат ўз соҳасининг билимдонини, балки олижаноб ва саҳоватли инсон ҳамдир. Чунончи, «Ногирон хунармандлар маркази» жамоаси ўз фаолиятини янада такомиллаштиришда «Зомин асали» томонидан доимий тарзда бериб келинаётган молиявий кўмаклан ҳам мамнун. Боқувчисини йўқотган маҳалладошлари эса ўзларига шифобахш неъмат — асални бепул инъон этаётган тадбиркордан гоят миннатдордирлар.

Албатта, «Зомин асали»да бундай хайрия ишлар билан шугулланиш учун мустаҳкам пойдевор мавжуд. 5 нафар доимий, 10 нафар мавсумий илгичга эга МЧЖ йилида 12 тоннагача сифатли асал етиштирмоқда. Хўжалиқнинг ўтган йилги соф фойдаси 22 млн. сўмини ташкил этди.



Турмуш фаровонлиги йўлида

МАЪЛУМКИ, БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ ИЗЧИЛ ВА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ЧАМБАРЧАС БОҒЛИҚДИР. БУГУНГИ КУНДА БАНКЛАР ТОМОНИДАН МАМЛАКАТИМИЗДА ТАДБИРКОРЛИК ВА КИЧИК БИЗНЕС СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ҲАМДА ТЕХНОЛОГИК ЯНГИЛАШ УЧУН АЖРАТИЛАЁТГАН КРЕДИТЛАР ЎЗ САМАРАСИНИ БЕРМОҚДА

Шахзод НАЗАРОВ,
«XXI asr»

Шунингдек, қишлоқларда инфратузилмани ривожлантириш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини молиявий қўллаб-қувватлаш орқали аҳолига янада қўлайликлар яратиш борасида олиб борилган ишлар ҳам таъсирли бўлди.

Бундай натижаларга эришишда «Агробанк»нинг Сирдарё вилоят бошқармасига кирувчи кенг филиаллар тармоғи хизматлари ҳам эътиборга моликдир. Хусусан, банк жорий йилнинг 1 август ҳолатига барча манбалар ҳисобидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун 19 млрд. 874 млн. сўм кредит маблағи ажратди. Натيجанда мингдан зиёд истиқболли лойиҳа ўз вақтида молиялаштирилди ва 3 937 та янги иш ўрни яратилди.

Маълумки, маҳаллий хом ашё негизда ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аҳолини арзон ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўз вақтида таъминлаш давлатимиз ички сиёсатининг устувор йўналишларидан бири саналади. «Агробанк»нинг вилоят бошқармаси ва унинг филиаллари ҳам ушбу хайрли ишдан четда қолаётгани йўқ. Жумладан, Президентимизнинг 2009 йил 26 июндаги «Озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан ўтган етти ой давомида мулкдорлар, тадбиркорлик субъектларига 3 млрд. 85 млн. сўм микдорда кредит ажратилди.

Қолаверса ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва моддий рағбатлантириш масаласига ҳам алоҳида



эътибор қаратилиб, ўтган қисқа даврда 46 та лойиҳани молиялаштириш учун 7 млрд. 388 млн. сўм сармоя йўналтирилди. Энг муҳими, банк маблағлари эвазига қўллаб-қувватлаш кўрсатишлари билан ўз вақтида таъминлаш давлатимиз ички сиёсатининг устувор йўналишларидан бири саналади. «Агробанк»нинг вилоят бошқармаси ва унинг филиаллари ҳам ушбу хайрли ишдан четда қолаётгани йўқ. Жумладан, Президентимизнинг 2009 йил 26 июндаги «Озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан ўтган етти ой давомида мулкдорлар, тадбиркорлик субъектларига 3 млрд. 85 млн. сўм микдорда кредит ажратилди.

Қолаверса ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва моддий рағбатлантириш масаласига ҳам алоҳида

эътибор қаратилиб, ўтган қисқа даврда 46 та лойиҳани молиялаштириш учун 7 млрд. 388 млн. сўм сармоя йўналтирилди. Энг муҳими, банк маблағлари эвазига қўллаб-қувватлаш кўрсатишлари билан ўз вақтида таъминлаш давлатимиз ички сиёсатининг устувор йўналишларидан бири саналади. «Агробанк»нинг вилоят бошқармаси ва унинг филиаллари ҳам ушбу хайрли ишдан четда қолаётгани йўқ. Жумладан, Президентимизнинг 2009 йил 26 июндаги «Озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан ўтган етти ой давомида мулкдорлар, тадбиркорлик субъектларига 3 млрд. 85 млн. сўм микдорда кредит ажратилди.

Маълумки, маҳаллий хом ашё негизда ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аҳолини арзон ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўз вақтида таъминлаш давлатимиз ички сиёсатининг устувор йўналишларидан бири саналади. «Агробанк»нинг вилоят бошқармаси ва унинг филиаллари ҳам ушбу хайрли ишдан четда қолаётгани йўқ. Жумладан, Президентимизнинг 2009 йил 26 июндаги «Озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан ўтган етти ой давомида мулкдорлар, тадбиркорлик субъектларига 3 млрд. 85 млн. сўм микдорда кредит ажратилди.

Қолаверса ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва моддий рағбатлантириш масаласига ҳам алоҳида

эътибор қаратилиб, ўтган қисқа даврда 46 та лойиҳани молиялаштириш учун 7 млрд. 388 млн. сўм сармоя йўналтирилди. Энг муҳими, банк маблағлари эвазига қўллаб-қувватлаш кўрсатишлари билан ўз вақтида таъминлаш давлатимиз ички сиёсатининг устувор йўналишларидан бири саналади. «Агробанк»нинг вилоят бошқармаси ва унинг филиаллари ҳам ушбу хайрли ишдан четда қолаётгани йўқ. Жумладан, Президентимизнинг 2009 йил 26 июндаги «Озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан ўтган етти ой давомида мулкдорлар, тадбиркорлик субъектларига 3 млрд. 85 млн. сўм микдорда кредит ажратилди.

Маълумки, маҳаллий хом ашё негизда ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аҳолини арзон ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўз вақтида таъминлаш давлатимиз ички сиёсатининг устувор йўналишларидан бири саналади. «Агробанк»нинг вилоят бошқармаси ва унинг филиаллари ҳам ушбу хайрли ишдан четда қолаётгани йўқ. Жумладан, Президентимизнинг 2009 йил 26 июндаги «Озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан ўтган етти ой давомида мулкдорлар, тадбиркорлик субъектларига 3 млрд. 85 млн. сўм микдорда кредит ажратилди.

Қолаверса ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва моддий рағбатлантириш масаласига ҳам алоҳида

Реклама ўрнида

Нуробод туман йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси жамоаси

Ўзбекистон аҳлини энг азиз ва энг улуғ айём — МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 22 ЙИЛЛИК шодиёналари билан табриклайди. Мамлакатимиз тараққиёти, юртимиз тинчлиги ва фаровонлиги йўлида олиб бораётган ишларингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз.



Кадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

Тадбиркорлик

«Санам» Қаршига қайтди

«САНАМ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ИҚТИСОДИЙ НОЧОР КОРХОНА ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАНИДА КЎПЧИЛИК АФСУС ЧЕККАНДИ...

Сайфулла ИКРОМОВ,
«XXI asr»

Аммо, кўп ўтмай, бундай умидсизликларга батамом чек қўйилди. «Сарбон кафелат сервис» томонидан қўшимча сармоя киритилиб, корхонанинг мулкчилик шакли ўзгартирилди, солиқ ва унга тенглаштирилган тўловлар, ойлик маош, муддатли ўтган қарзлар тўланди. Энг муҳими, ишлаб чиқариш цехлари капитал таъмирланиб, хориждан 75 та замонавий тикув дастгоҳи келтирилди. Касаначилик йўли билан 300 га яқин иш ўрни яратилди. Натيجанда ўтган йили 2 миллиард 700 миллион сўмлик маҳсулот буюртмачиларга етказиб берилди.

Зеро, дунё бозорига пахта толасидан тайёрланган кийим-кечақларга эҳтиёж юқори бўлгани боис корхонада ишлаб чиқариш қувватини 150 фоизга ошириш эвазига жорий йилда 3 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрлаш режалаштирилган. Ўтган даврда эса умумий қиймати 1 миллиард сўмликдан ортиқ тикувчилик маҳсулотлари савдога чиқарилди. Бунда, албатта, Назира Пардаева, Фулом Орзиев, Осмонақул Аллаёров, Соҳиба Ортиқова каби ташаббускор дизайнер ва тикувчиларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Бир сўз билан айтганда, Қарши шаҳридаги мазкур корхона тўғрисида қарор қабул

қилиш эвазига яна оёққа турди. Айни пайтда 600 кишилик жамоа томонидан салкам 40 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Ишчиларнинг аксарияти касб-хунар коллежларини битирган ёшлар экани айниқса диққатга сазовор.

— Нима учун жамият банкротга учради, деган савола бутун жавоб тошандайман, — дейди тадбиркор, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Саъдулла Бобоқулов. — Ўз пайтида жамият раҳбарлари тадбиркорлар учун яратилган имкониятлардан, тадбиркорлик қобилиятидан фойдаланмаганлар. Қачонки мавжуд имтиёз ва тадбиркор истеълоидан фойдаланилса, ишлар юришиб кетишини аста-секин исботлаямиз. «Санам» очик акциядорлик жамияти акцияларини сотиб олишдан мақсад ҳам биринчи навбатда жамиятни қайта тиклаш бўлса, иккинчидан, унинг фаолиятини йўлга қўйиб, катта фойда эвазига ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш эди.

Тўғри, ҳар қандай тадбиркор катта фойда олиш, сармоясини мақсадли сарфлашни орзу қилади. Аммо бунинг учун аввал маблағ сарфлаш керак. Ана шундай пайтда айримлар иккиланиб қолишди. Бошлаган ишнинг самара беришига ишонган ишбилармонгина таваккалчиликка қўл уради.

Тасаввур қилинг, бутун вилоят буюм бозорларида сотилаётган маҳсулотлар-

нинг катта қисми хориждан келтирилди. Сифати ҳам ўзига яраша. Аммо «Санам»нинг маҳсулотлари улардан сира қолишаётгани йўқ. Ҳозирда 25 турга яқин маҳсул кийим, кўриша, матрас, эркаклар кўйлаги, костюм-шим, аёллар учун либос тикилмоқда. Келгусизда ўз маҳсулотларимизни хорижага экспорт қилишни ҳам режалаштирганмиз. Ҳозир эса жамиятнинг савдо уйлари очиш ҳамда исталган буюртмани бажариш борасида изланаямиз. Чеварларимиз маҳоратини ошириш учун ҳам қўлай шароитлар яратилган. Уларни мамлакатимизнинг катта шаҳарларидаги йирик тикувчилик корхоналарига тажриба алмашиш учун юбориб, иш тажрибаларини янада мукамал бўлиши учун маблағ аямаямиз. Токи бозорларга кирган харидор «Санам» маҳсулотларини суюб харид қилсин.

Шу ўринда бошланччи партия ташкилоти аъзолари аҳоли ўртасида «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» деган ёзув битилган маҳсулотларимизни кенг тартиб қилиш ташаббуси билан чиққанларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ана ўшанда ишлар янада юришиб, қўшимча маблағ пайдо бўлади. Ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш, ишчилар учун янада қўлай шарт-шароит яратиш имконияти кенгайди. Бу эса моддий манфаатдорлик ошади, деганидир.

МЧЖ ШАКЛИДАГИ «ДАКА ТЕХ» хорижий корхонаси жамоаси

бунёдкор, меҳнаткаш, фидойи халқимизни энг улуғ, энг азиз байрамимиз — МУСЎТ АҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 22 ЙИЛЛИГИ билан самимий қутлайди. Хонадонларимизга тинчлик-хотиржамлик, дастурхонимизга кут-барока, осмонимиз ҳаминша мусаффо бўлишини тилаб қоламиз. Байрам шукри дилларимизни ташқ этмасин!



Аср кашфиётими ёки...

XX АСР ЎРТАЛАРИДА ПАЙДО БЎЛГАН РОБОТЛАРНИНГ XXI АСР ОХИРИГА БОРИБ ҚУЁШ ТИЗИМИ – САЙЁРАЛАР, УЛАРНИНГ ЙЎЛДОШЛАРИ ВА АСТЕРОИДЛАР ФАОЛИЯТИНИ ЎРГАНАДИГАН АСОСИЙ КУЧГА АЙЛаниши ТАХМИН Қилинмоқда. ЭНГ ТААЖЖУБЛАНАРЛИСИ ЭСА СОҲА МУТАСАДДИЛАРИ СУНЪИЙ ОНГЛИ РОБОТЛАР ЯРАТИЛАЁТГАНИНИ ЯШИРМАЯПТИЛАР

Ақбар МУЗАФФАРОВ,
«XXI asr»

1920 йилда чех ёзувчиси Карел Чапек томонидан илк бора тилга олинган «робот» термини XXI асрга келиб бутун бошли тизим таърифига айланди, десак муболаға бўлмайди. Зеро бугунга келиб, роботлар илм-фан тараққиётига мисли кўрилмаган янгиликларни киритиб, башариёт оғирини энгиллантиришга хизмат қилляпти. Айни пайтда дунёда 1 миллиондан ортиқ робот бўлиб, уч йил муқаддам 120 мингта «темир дастёр» сотилган тилга олинаётди. Бунда асосий буюртмачи Осиё минтақаси давлатлари бўлмоқда.

Бир сўз билан айтганда, инсоният бугунга келиб роботларнинг сув ҳавзасини тозалаш, қорни қурашдан тортиб, футбол ўйнашигача гувоҳ бўлмоқда. Лекин инсонга ўхшаш темир машиналар яратилаётганига қарамай, ҳалигача олимлар бу борада ёрқин натижага эришганларича йўқ. Мисол учун, «РЕЕМ-Б» русумидаги робот-ёрдамчи инсонларни таниши, предметларни олиб бериши, харитани кўздан кечириб, керамлик маъишга етказиб бериши мумкин. Япониянинг «Toyota» концерни мушакчи-робот яратишга ҳам муваффақ бўлди. Мазкур темир қурилма сурнай ва скрипка чалишни эплай олади.

Маълумки, Япония қариялари сони жиҳатидан дунёнинг энг стақчи мамлақати саналади. Шунинг учун ҳам «Toyota» раҳбарияти қарияларга яқиндан ёрдам берадиган дастёр-роботларни яратиш борасида ташлов эълон қилди. Машҳур «Honda» концерни эса робот-одам яшаш йўлида изланишларни кучайтирмоқда. Компанияга тегишли бўлган машҳур «АСИМО» роботи горизонтал йўналишда эркин ҳаракатланиши, зиналардан кўтарилиб, юк ташиш олиши, саломлашиб, ҳол-аҳвол сўрашиши, ҳатто инсон нутқини тунуниб, саволларга жавоб бериш хусусиятига эга экани айтилмоқда.

Роботлар ватани саналган Япония муваффақиятларининг сабаби — давлатнинг бу соҳага алоҳида эътибор қаратаётганидир. 2004 йилгагина бу соҳага давлат бюджетидан 3,1 млрд. иена ажратилган бўлса, 2010 йилда 2,14 трлн. иена, яъни 20 млрд. АҚШ доллар миқдорида маблағ сарфланди. Шу босқамлақат олимларнинг изланиши ва кашфиётлари кўп йиллардан бери дунёни лол қолдириб келяпти. Энг муҳими эса давлат газнасига миллиардлаб маб-


лағ тушяпти. Иқтисодчиларнинг таъкидлашича, айни пайтда робот техникаси олди-сотдисидан мамлакатга 500 млрд. иена (4,2 млн. АҚШ доллар) кириб келяпти. 2025 йилга бориб бу кўрсаткични 6 трлн. иенага етказиш тахмин қилинаётди. Сўнгги йилларда кунчиқар юрт олимлари нанороботлар яратишга қаттиқ бел боғладилар. Уларнинг фикрича, нанороботларнинг яратилиши инсоният ҳаётида янги давр очади.

Айниқса, митти роботлар XXI аср тиббиёти учун ўта муҳим янгилик бўлиши мумкин. Зеро нанороботлар инсон организмнинг аниқ бир нуқтасига дори-дармон етказишда қўл келали, деган фаразлар илгари сурилмоқда. Бу ерда инсон танасининг энг кичик катакчаларича кириб бориб, тиббий препаратни ағдарувчи митти аравачаларга ўхшаш технороботчалар тўғрисида гап кетяпти.

Яқинда Сукуба шахридаги Миллий институт тадқиқотчилари томонидан инсон миёси каби ишлайдиган наножисм ихтиро қилинган эса юқоридаги тахминлар асоссиз эмаслигини исботламоқда. Мутахассислар-

роботларнинг янгича моделини яратиш устидаги тажрибалар аллақачон бошлаб юборилган. Унда турли роботлар электрон қишлоқларда яшаб, бир-бирлари билан мулоқотга киришади. Механик цивилизациянинг робот-фуқаролари бир-бирларининг олатларини ўзлаштириш, нусха олиш орқали янгича маданият ёки таъбир жоиз бўлса, микроэволюцияга замин яратиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Кўпчилик мутахассислар роботтехнология ривожини шу замида давом этса, кўп ўтмай, жаҳонда иш ўринларининг қисқартирилиши оқибатида ишсизлик муаммоси кучайишидан хавфсизлашмоқда. Хусусан, яқинда электроника маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи «Foxconn» компанияси 1 миллионга яқин роботни ёлламоқчи эканини эълон қилди. Маълумки, Тайвандаги мазкур компания жаҳонда энг йирик электроника ишлаб чиқарувчи корхона бўлиб, унинг заволларида 10000 га яқин робот ва 1,2 миллион киши меҳнат қилади. Компания бош директори Терри Гоунинг сўзларига қараганда, яқин йилларда яна 300 мингта янги ро-



ЭКСПЕРТЛАРНИНГ ТАЪКИДЛАШИЧА, 2020 ЙИЛГА БОРИБ ХИТОЙ САНОАТИ ҲАМ ТўЛА РОБОТЛАШТИРИЛАДИ. Айни пайтда ҲУКУМАТ БУ БОРАДА ҚАНЧА МАБЛАҒ ЛОЗИМ БўЛСА, САРФЛАШГА ТАЙЁР ЭКАНИНИ МАЪЛУМ ҚИЛЯПТИ. ЗЕРО РАСМИЙ ПЕКИН САНОАТИНИНГ МУҲИМ СОҲАЛАРИНИ РОБОТЛАШТИРИШГА 1 МЛРД. ГА ЯҚИН МАБЛАҒ САРФЛАЁТГАН БўЛСА, 2020 ЙИЛГА БОРИБ БУ СОҲАГА 6 МЛРД. САРМОЯ КИРИТИШ КўЗДА ТУТИЛГАН.

нинг эътироф этишича, Япония бу борада ҳам стақчи бўлиб қолмоқда. Ҳозирги кунда мамлакатда амал қилаётган 37 млн. АҚШ долларидан ортиқ маблағни қамраб олган «Хуманоид роботикс прое́кт» дастури асосида яқин йилларда олам қиёфасидаги роботларни ишлаб чиқариш ва сотиш кўзда тутилган. Улар одамнинг энг яқин ёрдамчиси сифатида бозори чаққон «товар»га айланишига олимларнинг ишончи комил.

Экспертларнинг таъкидлашича, 2020 йилга бориб Хитой саноати ҳам тўла роботлаштирилади. Айни пайтда ҳукумат бу борада қанча маблағ лозим бўлса, сарфлашга тайёр эканини маълум қилляпти. Зеро расмий Пекин саноатининг муҳим соҳаларини роботлаштиришга 1 млрд. га яқин маблағ сарфлаётган бўлса, 2020 йилга бориб бу соҳага 6 млрд. сармоя киритиш кўзда тутилган.

Ғарб мамлакатлари орасида эса Буюк Британиянинг илгариллаб кетгани айтиляпти. Бу ерда

бот ўрнатилиши кўзда тутилган. 2014 йил охирига келиб эса улар сони 1 миллионга етади. Эътиборли томони, «Apple» компанияси учун «iPhone» ва «iPad»ларни йиғадиган роботикс прое́кт» дастури фабрикаларида сўнгги беш йил ичда 17 ишчи ўз жонига қасд қилган. Бу фабрикалардаги иш шараитининг жуда ёмонлиги, иш кунини 12 соатга яқинлиги билан изоҳланапти. Ҳатто бу ерда ишчиларнинг ўзаро сўхбатлашиши ҳам ман қилинган. Бироқ компания фақат шу ваз туйғайли роботларни тиқштираётгани йўқ. Асосий мақсад маошга сарфланаётган маблағни тежаш. Маълумотларга қараганда, «Foxconn» ходимлари ойига ўртача 2000 юань (300 АҚШ доллар) миқдорда маош оладилар.

Танганинг икки томони бўлади, деганларидек, айрим Ғарб мамлакатларида роботларнинг инсон устидан ҳукмронлик қилиши хусусида ҳам турли фикрлар пайдо бўла бошлади. Тўғри,

бу фикр бир қарашда жуда жўн бўлиб туюлиши мумкин. Аммо кейинги пайтда мазкур соҳанинг стақчи мутахассислари сунъий онг яратилаётганини яширмаптилар. Ҳатто 2030 йилга бориб сунъий онг инсон ақли билан тенглашиши мумкинлиги ҳақидаги фикрлар ҳам янграй бошлади. Бундай фаразларнинг юзга келишига башариётнинг тобора компьютер тармоқлари қарамлашиб бораётгани асос сифатида кўрсатиляпти, албатта. Яқинда япониялик мутахассисларнинг инсон билан сўхбатлаш олидиган робот ихтиро қилганликлари ҳам юқоридаги фикрлар ҳақиқатдан йироқ эмаслигини тасдиқлаши мумкин.

Аммо дунё ҳамжамиятини роботтехнологиянинг ҳарбий соҳада кенг қўлланилаётгани кўпроқ ташвишга солаётганини таъкидлаш жоиз. Мисол учун, Пентагон 2005 йилнинг ўзида ҳарбий роботлар яратиш учун 70 млрд. фунт стерлинг маблағ сарфлаган бўлса, орадан беш

йил ўтиб, 265 млрд. фунт стерлинг маблағ ажратли.

Тўғри, энди бу жараёни орта қайтариб бўлмайди. Шунинг учун ҳам шакарнинг ози пирин, деганларидек, ушбу соҳанинг нозик жиҳатлари синчковлик билан ўрганилиб, унга мейёр ўрнатилса, фойдалан холи бўлмайди, дегимиз келади. Буни аниқлаш бир қатор мамлакатларда робот технологияларини

ҳаётга кенг жорий этиш қонунлар билан мустаҳкамлаб қўйилмоқда. Хусусан, Жанубий Кореяда «Роботлар учун ахлоқий мейёрлар низоми» эълон қилиниб, бу билан ҳукумат одамлар ва роботлар ўртасидаги муносабатларни ягона тизимга солишни мақсад қилмоқда. Худди шунингдек, АҚШ ҳам жаҳон илмий ҳамжамиятини маиший ва ҳарбий роботлар фаолиятини му-

қобиллаштирувчи «Роботлар ахлоқий кодекси»ни ишлаб чиқишга чорламоқда.

Хуллас, роботлар XXI асрнинг энг муҳим кашфиётларидан бири сифатида фан тараққиётига улкан ҳисса қўшимоқда. Аммо бир кун келиб инсон ақлу заковати билан яратилган роботлар инсониятнинг ўзи устидан ҳукмронлик қилишига асло йўл қўйиб бўлмайди.

Воқеалар, галлимар, шарҳлар

ТИНЧ ОКЕАНИ ЯНА НОТИНЧ



Япониянинг «Фукусима-1» атом электр станциясидаги радиация миқдори соатига 1800 миллизвертти ташкил этаётгани маълум қилинмоқда. Бу меъридан олти миллион марта кўпдир. Бундай ҳолатда АЭС яқинида тўрт соат турган одамнинг кун битади. Мутахассис ва таҳлилчиларнинг фикрича, бундай юқори даражадаги радиация АЭС худудидаги сув цистерналари яқинида қайд этилган. Бир йил олдин бу кўрсаткич 18 баробар паст эди.

Эслатиб ўтамиз: 2011 йилнинг март ойида Японияда содир бўлган кучли zilzila ва цунами атом электр станцияси мосламаларига катта зарар етказган эди. Шу йилнинг август ойида эса «Фукусима-1»нинг радиоактив моддалар билан захарланган сув Тинч океанига қўйила бошлади. Мамлакат ҳукумати муаммони хал қилиш йўлини изламоқда. Ҳозирда авария ҳолатидаги станция захира сув цистерналарида 330 минг тонна радиоактив сув бор, энди эса ҳар кун унга яна 400 тонна қўйилимоқда. Энг катта офат — ер ости сувларининг радиациядан захарланиши бўлиб, ҳукумат бунинг олдини олиш учун қўшимча 470 миллион доллар сарфлашга тайёр эканини билдирди. Бунда ер ости сувларини маълум чуқурликка музлатиб қўйиш кўзда тутилган бўлиб, лойихани амалга ошириш учун камида икки йил кераклиги маълум қилинапти.

МАРКА ўРНИГА — СМС

Швейцария почтаси жўнатмалар учун тўловни марка ҳолида эмас, СМС кўринишида жорий эта бошлади. Энди хат жўнатиш учун марка сотиб олиб, конверт устига ёпиштириш шарт эмас. Махсус рақамга СМС хабар жўнатсангиз бас. Хабарга келган жавоб СМСда махсус рақам берилди. Ушбу код конвертга ёзилади ва хат манзилга осонгина етиб боради. Швейцария бундай хизматни йўлга қўйган биринчи давлат эмас. Мутахассислар бундай тизим ҳозир Германия, Дания ва Швейцарияда ҳам амал қилмоқдалигини таъкидлашмоқда.

АНА ФОЖНА: КУЁВ — 11, КЕЛИН ЭСА 9 ЁШ



Миср ижтимоий тармоқларида тўққиз ёшли кизалоқнинг ўн бир яшар болакай билан никоҳ тўйи бўлиб ўтгани тўғрисидаги видеосаҳна жамоатчилик орасида норозиликларни келтириб чиқарди. Видеосаҳнада ёш куёв смюкнинг ва келин оқ кўйлак кийиб, тўй рақсини рисоладигдек ижро этгани тасвирланган. Маълум бўлишича, Ал Мансур шаҳри яқинида истикомат қилувчи икки оила ўзаро «битим»

тўзиб, уни фарзандлари никоҳи билан мустаҳкамлаган. Аммо ота-оналар жамоатчилик нимадан норози эканини тўшуниши исташмапти. Мамлакатда 18 ёшдан туриши қуришга рўқсат этилган, уларнинг хатти-ҳаракати қонунга зид эканини тан олмаётган икки оила, болалар никоҳини бекор қилишдан бош тортмоқда.

ЭҲТИЁТ БўЛИНГ, ЯНГИ ГИЁҲВАНДЛИК МОДДАСИ



Токсикологик хавфдан оголантирувчи Early Warning System тизими Бельгияда янги, жуда хавфли гиёҳвандлик моддаси пайдо бўлганини маълум қилди. 24INBOMe деб номланган ушбу моддани истеъмол қилган ёш неча киши оғир ҳолатда шифохонага ётқизилган. Аввалроқ Буюк Британия ва Скандинавияда ҳам бир неча фуқаро номъялум сабабга кўра вафот этганлиги, уларнинг ўлимига ҳам айнан шу модда сабаб бўлгани тахмин қилинапти.

Бельгиялик тиббиёт мутахассисларининг таъкидлашича, 24INBOMeнинг таъсири ЛСД моддаси билан ўхшаш бўлиб, одамда галлюцинация, гайритабiiий ҳаракатларга мобилликини уйғотади. Шунингдек, янги гиёҳванд модда юрак фаолияти ва кон босимига салбий таъсир кўрсатади.

Гулноза МУҲИДДИНОВА тайёрлади.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ
Ijtimoiy-siyosiy gazeta

2014 йил учун ОБУНА бошланди!

Мурожаат учун телефон: (8 371) 215-63-80, e-mail: xxi_asr@mail.ru, web sayt: www.21asr.uz

Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.

LADA БИЗНЕС
от дилера «SARDOR AVTO INVEST»

ВИС-2347, LADA SAMARA, борт.

ВИС-2347, LADA SAMARA, фургон.

ВИС-23460, LADA NIVA, 4x4.

ВИС-23461, LADA NIVA, 4x4.

ЦЕНТРЫ ПРОДАЖ В ТАШКЕНТЕ:
Тел./факс: (371) 215-09-11, 215-18-17.
Тел.: (+99891) 162-99-99, (+99898) 303-90-09.
(+99895) 177-01-17.

Узнай больше на сайте www.sardor-avto.uz

Автомобили УАЗ
от дилера «SARDOR AVTO INVEST»

УАЗ Patriot (comfort) — пикап

Полноприводный (4x4)

ЦЕНТРЫ ПРОДАЖ В ТАШКЕНТЕ:
Тел./факс: (371) 215-09-11, 215-18-17.
Тел.: (+99891) 162-99-99, (+99898) 303-90-09.
(+99895) 177-01-17.

Узнай больше на сайте www.sardor-avto.uz



Солж. ЗОИР олган сурат

Озод юртнинг обод оиласи

Меҳр-окибат, ўзаро аҳиллик ҳалқимизга хос бўлган азалий қадриятлардан. Пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги «Алихонтўра Соғуний» маҳалласида истиқомат қилувчи Юлдашевлар хонадонида бўлсангиз, бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қиласиз. Зеро бу оилда ҳалол меҳнат тўғрисида кўнгиллар обод бўлиб, дастурхонга кут-бароқа кирмоқда. Оила бошлиғи — Рихсибой ота узок йиллар давомида Тошкент политехника институти (ҳозирги Тошкент давлат техника университети)да хизмат қилиб, ёшларга сабоқ берди. Унинг турмуш ўртоғи — фахрий педагог Мавлуда опа ҳам эл-юрт хурматини қозонган инсонлардан. Улар маҳаллада ўтказиладиган турли тадбирларда ҳамisha бош-қош, ташаббускор.

Икки қиз ва икки ўғилни тарбиялаб, ўстирган Рихсибой ота ва Мавлуда ая бугун уларнинг бахту қамолини кўриб, чеқсиз фахрланишади. Катта ўғил, майор Дилмурод Рихсибоев айна пайтда Тошкент Олий ҳарбий техника билим юртида батальон командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари вазифасида хизмат қилапти. Қизлар бўлса ота-она изидан бориб, педагогик касбини ардоқлашмоқда. Тошкент давлат техника университетининг саноат дизайни факультетини тамомлаган кичик ўғил — Дилшод эса қурилиш соҳасига ихтисослашган «Мега комфорт» корхонасида фаолият юритаётир.

Аҳил, бахтиёр оиланинг ҳажжи аъзолари — 7 нафар неваря сеvimли буви ва бувалари атрофида ҳамisha парвона.

ДЎЛ VOLKSWAGENNING «БОШИ»ГА ТУШДИ



Унда 30 мингга яқин автомашинага ёмғир шикаст етказган эди.

Равшан ҲАЙДАРОВ тайёрлади.

Бу — қизик

- Сайёрамиздаги энг катта дўл парчаси АКШнинг Канзас штатида қайд этилган бўлиб, унинг оғирлиги 700 граммни ташкил этган.
- Дельфинлар бир кўзини очиб ухлайди.
- Ўрдақларнинг овози акс-садо бермайди.
- Итнинг хид сезиш қобилияти одамларникидан 1000 баробар кучлидир.
- Ер қуррасидаги ўргимчаклар бир йилда озикланадиган ҳашаротлар вазни сайёрамизда яшайдиган одамларнинг умумий вазидан кўп.
- Каламушлар шу қадар тез кўпаядики, икки каламуш 1,5 йил давомида ўз авлоди сонини 1 миллионга етказиши мумкин.
- Кулранг кит ҳар йили Арктикадан Мексикагача, кейин эса Мексикадан Арктикагача 20000 километр масофани сузиб ўтади.

Гидрометеорология марказидан олинган маълумотларга кўра, 5-12 сентябрь кунлари Ўзбекистонда об-ҳаво ўзгарувчан бўлиб, ёғингарчилик қутилмайди. Шамол шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади. Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Навоий ва Бухоро вилоятларида ҳарорат кечаси 17-22, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади. Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ҳарорат кечаси 15-20, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлиши қутилимоқда. Қашқадарё ва Сурхондарё



вилоятларида ҳарорат кечаси 17-22, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади. Республикаимизнинг Шарқи — Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида шамол шарқдан 5-10 м/с тезликда эсади. Термометр кўрсаткичлари кечаси 15-20, кундузи 32-37 даража иссиқ бўлишини кўрсатмоқда. Тошкент вилояти ва пойтахтимизда ҳарорат кечаси 15-20, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади. Тоғли ҳудудларда ҳарорат кечаси 12-17 даража илик, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлиши қутилимоқда.

Реклама

«ЎЗЭЛТЕХСАНОАТ»
КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

барча юртодошларимизни энг улғун, энг азиз байрам —
МУСТАҚИЛЛИК КҮНИНИНГ 22 ЙИЛЛИГИ
билан табриқлайди.
Юртимиздан файзу бағрака, шоду хуфрамлик аримасин.
Она днёримизда хуфрийшт кувшин абадий нуф соғиб тураверсин!

«NAVOIYAZOT» ОАЖ

СИНТЕТИК ПОЛИАКРИЛНИТРИЛ ТОЛАСИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ
МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ЯГОНА ЙИРИК КОРХОНА НИТРОН ТОЛАСИНИ
ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТОВАР-ХОМ АШЁ БИРЖАСИ ОРҚАЛИ СЎТУВГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Нитрон толаси тўқимачилик ва гилам саноатида, техник газламаларни ишлаб чиқаришда қўлланилади

www.navoiyazot.uz

Ўзбекистон Республикаси, 210105, Навои-5
Факс: (+99879) 223-75-80
Маркетинг бўлими: (+99879) 229-29-99
e-mail: market@navoiyazot.uz

СЎТУВ БЎЛИМИ:
(+99879) 229-23-04, 229-21-68
e-mail: sale@navoiyazot.uz

Махсулот сертификатлашган!

МАХСУС ВА ОДДИЙ ТРАКТОРЛАР!

Барча тракторлар «ТОГЛАР» МЧЖнинг Тошкентдаги емборхонасида мавжуд

- Зиснаватер-погрузчик ЭП-Ф-П (Б) бульдозер
- Бульдозер-погрузчик БЛ-750
- Зиснаватер-погрузчик цепной ЭП-Ф-Ц
- Асфальтоверз
- Подъемник БЛ-09
- «Беларусь» ГИТЗ-80х, 80.1, 82.1, 1025.2, 1221.2
- Запасные части и тракторам «Беларусь»
- Шины различных моделей

Махсулот сертификатлашган!

Т.: (+99871) 252-16-29, 255-09-55.
e-mail: toglar_uz@mail.ru www.toglar.uz